БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 53 (800)

15 МАРТ ЖУМА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

МОСКВАДАГИ А. И. ЕФРЕМОВ НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ «КРАСНИЙ ПРОЛЕТАРИЙ» СТАНОКСОЗЛИК ЗАВОДИ

Завод директори ўртоқ Г. А. СУРГУЧЕВГА
КПСС партия комитети секретари ўртоқ В. Ф. ЛОТКОВГА
Завод касаба союз комитетининг раиси ўртоқ А. А. ЕРШОВГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Москвадаги А. И. Ефремов номидаги Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Красний Пролетарий» станоксозлик заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг шонли коллективини завод таъсис этилганлигининг 100 йиллиги муносабати билан қизғин табриклайдилар.

Москва «Красний Пролетарий» заводи мамлакатимизда ўз машинасозлигимизни ривожлантириш ишида, юқори унумли янги станокларни ўзлаштириш ва уларни поток усулида ишлаб чиқаришни уюштириш ишида катта роль ўйнаган етакчи машинасозлик заводларидан биридир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Красний Пролетарий» заводининг коллективи ўз ишида юксак техника иқтисодий кўрсаткичларга эришиб, бундан кейин ҳам халқ хўжалигини ҳозирги замон станоклари билан таъминлаш юзасидан КПСС XX съезди Директиваларининг бажарилиши устида янада кўпроқ ғайрат билан ишлайди деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ **ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

12-13 мартда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. А. Муҳитдиновнинг „КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг якунлари ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг халқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги вазифалари“ тўғрисидаги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни ҳам кўрди.

Пленум ўртоқ О. А. Алимов бошқа ишга ўтганлиги сабабли уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва Бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Пленум ўртоқ Г. А. Габриельянцни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзоси ва секретари қилиб сайлади.

Пленум Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари О. А. Алимов ва Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Нуритдинов ўртоқларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолигига кандидат қилиб сайлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми

Ўртоқ Н. А. Муҳитдиновнинг Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленумида қилган докладидан

Ўртоқ Н. А. Муҳитдинов ўз докладида КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисидаги қарори мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида янги муҳим давр бошланишидан дарак беришини ва коммунистик партия ҳамда совет халқи учун жанговар иш программаси эканлигини таъкидлаб кўрсатди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида ва Пленумда қабул қилинган қарорда хўжаликни социалистик усулда бошқаришни янада такомиллаштиришнинг принциплари белгилаб берилди. Февраль Пленуми саноат ва қурилишни бошқаришни асосий иқтисодий районлар бўйича ташкил этишни, бу билан хўжаликка раҳбарликни ишлаб чиқаришга, саноат корхоналари ва қурилишларга яқинлаштиришни, бу раҳбарликни янада конкретроқ ва таъсирлироқ қилишни, шу билан бирга маҳаллий органлар ролини оширишни, шунингдек кенг меҳнаткашлар оммасини хўжаликни идора қилишга жалб этишни зарур деб топди.

Шу билан бирга Пленум Совет Иттифоқида саноат ва қурилишнинг бундан буёнги тараққиёт йўли улуғ Ленин олдиндан белгилаб берганидек, — мамлакат бутун экономикасининг асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни устун даражада ривожлантиришдан иборат бўлиб қолади, деб уқтириб ўтди. Бошқариш принциплари ҳам улуғ Ленин ишлаб чиқанидек ўзгармай қолаверади, бу принцип демократик централизм принципидир. Социалистик хўжаликни бошқаришнинг В. И. Ленин кашф этган ана шу принциплари социалистик тузумнинг табиатидан келиб чиқади, бу принциплар марказ раҳбарлик ролини ўйнагани ҳолда омма ва маҳаллий органлар ижодий ташаббусининг ҳар томонлама ривожланишини билдиради. Мамлакатимизда социалистик қурилиш тарихи шуни кўрсатадики, хўжаликни бошқаришнинг ташкилий формалари доимо ўзгариб, ижодий тарзда ривожланиб ва такомиллашиб келган.

Табиий бир ҳолдирки, тиклаш даври вазифаларини ҳал этишдан мамлакатни социалистик индустрлаштиришнинг кенг программасини амалга оширишга ўтишда хўжаликка раҳбарлик қилишнинг янги ташкилий формалари талаб қилинди. Бу вақтда саноатнинг бутунлай янги соҳаларини жуда қисқа муддат ичида вужудга келтириш зарурати туғилган эди. Ана шу даврда халқ хўжалигининг муҳим тармоқлари бўйича ихтисослаштирилган халқ комиссарликлари ва главкалар, сўнгра эса министрликлар ва айрим бошқармалар вужудга келди.

Хўжаликка раҳбарлик қилишнинг бу формалари Партия ва Ҳукуматнинг эътиборини оғир индустриянинг ҳал қилувчи тармоқларини вужудга келтиришга, юқори малакали инженер-техник кадрлар, экономистлар ва янги техникани эгаллаш ҳамда кенг миқёсдаги саноат ишлаб чиқаришини ҳозирги замон илмий-техника даражасида ташкил этишга қобилиятли бўлган ишлаб чиқариш ташкилотчиларини тайёрлашга қаратиш имкониятини берди.

Партия ва Ҳукумат улуғ Ленин васиятларига амал қилиб, кейинги йилларда иттифоқчи республикалар ва маҳаллий Советларнинг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш юзасидан муҳим тадбирларни амалга оширди.

Партия ва Ҳукуматнинг Иттифоқчи республикалар ролини оширишга қаратилган сиёсати КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми ва СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг қарорларида ўз ифодасини топди.

Сўнгги икки йил ичида йилига 2,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўп саноат корхоналари Иттифоқ қарамоғидан республика ихтиёрига олиб берилди. Республика Министрлар Совети ҳамда министрликларнинг планлаштириш, маблағ ажратиш, савдо, материал-техника таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари анча кенгайтирилди.

Ўзбекистон партия ва совет органлари ўз навбатида маҳаллий Советларнинг хўжаликка раҳбарлик қилишдаги ҳуқуқларини кенгайтириш ва ролини ошириш юзасидан маълум тадбирларни кўрди. Эндиликда маҳаллий Советларнинг ўзлари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотлари юзасидан тошириқ ва планларни белгилайдилар ҳамда транспорт, коммунал корхоналари, маориф, соғлиқни сақлаш ва маданият органларига раҳбарлик қилиш учун тўла жавобгардирлар. Моддий-техника фондлари бевосита маҳаллий Советлар ихтиёрига берилади, Советларга капитал қурилиш, маблағ ажратиш, кредит бериш, шунингдек бозор фондлари, маҳаллий ва кооператив саноати маҳсулотларидан фойдаланиш соҳасида катта ҳуқуқлар берилади.

1956 йилги халқ хўжалик плани бажарилишининг якунлари бу тадбирларнинг самарали эканлигини яққол кўрсатди.

Партиямиз хўжалик қурилиши соҳасида Ленин кўрсатмаларини оғишмай ва изчиллик билан амалга ошира борди, экономика ва маданиятнинг юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлади. Совет кишиларининг жаҳоншумул тарихий ғалабаларининг натижалари собиқ миллий чекка ўлкалар ва хусусан Ўзбекистон экономикаси ҳамда маданиятининг равнақ топганлиги мисолида яққол кўринади.

Ўзбекистон территориясида революциягача қишлоқ хўжалик хом ашёсининг айрим турларини, асосан пахтани дастлабки ишлаш бўйича кичкина заводлар бўлганлигини ҳисобга олмаганда саноат йўқ даражада эди. Эндиликда эса республика юқори даражада ривожланган, кўп тармоқли саноатга эгадир. Бизда энергетика базаси, машинасозлик, химия, кўмир, нефть ва металлургия саноати вужудга келтирилди, хилмахил бинокорлик материаллари ишлаб чиқарилмоқда, енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1924 йилга нисбатан 50 баравардан кўпроқ ўсди. Эндиликда Ўзбекистон Совет Иттифоқининг йирик иқтисодий районларидан бири бўлиб қолди. Ҳозир республика корхоналарида 300 мингдан ортиқ киши ишламоқда, буларнинг 80 процентдан кўпроғи ишлаб чиқариш процесси билан бевосита боғлангандир. Ўн мингларча ходимлар мураккаб ихтисосларни ўрганиб олдилар.

Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг юксалиши билан бир вақтда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари: транспорт, бинокорлик, коммунал хўжалиги ва бошқа соҳалар ҳам ўсди. Бутун мамлакатимизда ва шу жумладан Ўзбекистонда маданий қурилиш мисли кўрилмаган даражада авж олди.

Биз фахр билан айтаоламизки, ўзбек халқи ҳозир маданият тараққиёти даражаси бўйича чет эл Шарқи мамлакатларидангина эмас, балки Ғарбдаги кўпгина мамлакатлардан ҳам ўзиб кетди. Республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим назарий ва амалий проблемаларини ишлаб чиқиш билан юздан ортиқ илмий-текшириш муассасалари, 6500 га яқин илмий ходимлар шуғулланмоқда. Революциягача Ўзбекистоннинг ўз техника интеллигенцияси деярлик бўлмаган эди, ҳозир эса бизда олий ва ўрта махсус маълумотли 125 мингдан кўпроқ мутахассис ишламоқда.

Бошқа қардош совет социалистик республикаларнинг ҳаммаси ҳам экономика ва маданиятни ривожлантиришда ана шундай катта муваффақиятларга эришдилар.

Халқ хўжалигимиз ғоят даражада ривожланган ва мамлакат КПСС XX съезди томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни бажаришга киришган ҳозирги пайтда саноат ва қурилишни бошқаришни янада такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Партия ва Ҳукуматнинг ғоят катта ғамхўрлиги туфайли мамлакатимизда қудратли моддий-техника базасининг, кўпмиллионли малакали ходимлар армиясининг вужудга келтирилганлиги, меҳнаткашлар сиёсий онги ва маданий-техника савиясининг беқиёс ўсганлиги бу масалани ижобий ҳал этишга имкон беради.

Шундай қилиб, гап саноат ва қурилишни бошқариш соҳасида илгари йўл қўйилган қандайдир хатоларни тузатиш ҳақида бормайди, бунда гап саноат ва қурилишни, бутун халқ хўжалигини янги вазифалар асосида, янги шароитга мувофиқ равишда бошқариш формаларини янада ривожлантириш, такомиллаштириш ва яхшилаш тадбирларини амалга ошириш ҳақида боради.

Ўртоқ Муҳитдинов саноат ва қурилишни бошқаришнинг ҳозирги структурасини ҳамда бу структурадаги камчиликларни анализ қилишга ўтади.

Ўзбекистондаги саноат ва қурилишга 28 Иттифоқ, 17 иттифоқ-республика ва 5 республика министрликлари раҳбарлик қилади.

Саноатни бошқаришнинг мавжуд структураси нақадар мураккаблаштириб ва кенгайтириб юборилганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

Саккизта иттифоқ-республика ва республика саноат министрликлари ҳамда марказий аппаратларда 79 бошқарув бўлинмалари, 52 ўрта звено бўлинмалари ҳамда 383 та таъминот ва тайёрлов ташкилотлари бор. Булардаги бошқарув аппаратларида 6 минг киши ишлайди.

Ҳозир Ўзбекистонда кўплаб база ва омборларга эга бўлган 76 таъминот ва савдо ташкилотлари бор. Бу ташкилотларда йилига 60 миллион сўм иш ҳақи оладиган 7800 киши ишлайди. Тошкентнинг ўзида 65 таъминот ва савдо ташкилотлари бор. Биргина СССР Озиқ-овқат товарлари саноати министрлигининг ана шундай 12 та ташкилоти Тошкентда жойлашган.

Моддий-техника эъминотининг идоралаб майдалаб юборилганлиги ва марказлаштирилганлиги натижасида жуда кўп кишилар ишлаб чиқаришда қатнашмаётир.

Хўжаликка раҳбарлик қилиш ташкилий формаларининг кенгайиб кеттанлиги ва кўп поғоналилиги саноатни кооперативлаштириш ва ихтисослаштиришни кенг миқёсда амалга оширишга, янги техникани жорий қилишга халал етказмоқда, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланмасликка, моддий-техника ресурсларидан ва пул маблағларидан нотўғри фойдаланишга олиб келмоқда, кўплаб ортиқча харажатларга ва хўжасизликка сабаб бўлмоқда, кадрларнинг тоширилган иш учун шахсий масъулиятини камайтирмоқда, халқ хўжалигини планли пропорционал ривожлантиришга халақит бермоқда.

Ҳарқайси министрликнинг ўз корхоналари орасида кооперация ташкил этишга интилиши давлатга жуда қимматга тушмоқда. Жуда кўп миқдорда ҳархил қўйилма ва поковкалар республикага ташиб келтирилмоқда, бу ердан ташиб кетилмоқда. Масалан, Л. М. Каганович номли завод Харьков, Днепропетровск, Челябинск, Таллин ва бошқа шаҳарларга 1956 йилнинг 11 ойи ичида 9 минг тоннача, «Средазхиммаш» заводи эса 4200 тонна поковка ва қуйилма юборган. Айни вақтда «Подъёмник» заводи ва бошқа заводларга Урал, Киев, Магнитогорск, Олмаотадан ўз навбатида минглаб тонна поковка ва қуйилмалар келтирилмоқда.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1957 йил 14 мартдаги мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

14 мартда эрталаб соат 10 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон ССР тўртинчи чақириқ Олий Советининг тўртинчи сессияси очилди.

Раис столи ёнида — Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси депутат **О. Ҳ. Ҳакимов** ва унинг ўринбосарлари — депутат **Н. Жапақов** ва **Н. М. Мирошхина** ўтирибдилар.

Олий Совет ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1956 йил 9 декабрда учта сайлов округи бўйича сайланган депутатлари ваколатларини текшириш натижалари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссиясининг раиси депутат **А. Тоировнинг** докладини тинглади ва қуйидаги қарорни қабул қилди: Мандат комиссиясининг доклади тасдиқлансин ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати қилиб 14-Каганович сайлов округидан сайланган **М. Т. Турсунов**, 193-Эски Ҳақулобод сайлов округидан сайланган **А. Маматов**, 287-Янги қишлоқ сайлов округидан сайланган **Ч. Маматовнинг** ваколатлари тўғри деб топилсин.

Олий Совет сессиянинг кун тартибига қуйидаги масалаларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилди:

1. 1957 йилда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш плани тўғрисида.

2. Ўзбекистон ССРнинг 1957 йилги Давлат бюджети тўғрисида.

3. Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг фаолиятини яхшилаш ва уларнинг омма билан алоқаларини кучайтириш тадбирлари тўғрисида.

4. Ўзбекистон ССР Олий судини сайлаш.

5. Ўзбекистон ССР Олий Советининг саноат ва транспорт бўйича Доимий комиссиясини тузиш ҳақида.

6. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш.

Сессиянинг регламенти ва сессия муҳокамасига киритилган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳам тасдиқланди.

Сўнгра масалаларни кўриб чиқиш юзасидан қабул қилинган тартибга мувофиқ, Олий Совет Ўзбекистон ССР Давлат план комиссиясининг раиси **М. М. Мусахоновнинг** 1957 йилда республика халқ хўжалигини ривожлантириш плани тўғрисидаги докладини тинглади. Яна шу мажлисда Ўзбекистон ССР молия министри депутат **М. Исомиддиновнинг** республиканинг 1957 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги доклади ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг қўшимча доклади тингланди. Қўшимча докладни шу комиссия аъзоси депутат **М. И. Кичанов** қилди.

Олий Совет «1957 йилда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш плани тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон ССРнинг 1957 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги докладларни муҳокама қилишга киришди. Мажлисда докладлар юзасидан бўлган музокараларда депутат **Х. Жалилов** (58-Паркент сайлов округи, Тошкент области), депутат **В. К. Доленко** (Сурхон сайлов округи, Сурхондарё области) сўзладилар.

Шу билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди.

* * *

14 март соат 16 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси бошланди.

Мажлисда «1957 йилда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш плани тўғрисида» ва «Ўзбекистон ССРнинг 1957 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги докладлар юзасидан музокаралар давом этди. Музокараларда депутат **А. Ҳайдаров** (Андижон областидаги 162-сонли Кўнчи сайлов округи), депутат **Н. Жапақов** (Қорақалпоғистон АССР, 350-сонли Чимбой-қишлоқ сайлов округи), депутат **М. Т. Турсунов** (Тошкент шаҳар 14-сонли Каганович сайлов округи), депутат **С. Яхшиев** (Самарқанд область 260-сонли Каттақўрпа сайлов округи), депутат **Ф. Х. Хўжаев** (Бухоро шаҳри, 294-сонли Бухоро шаҳар Сталин сайлов округи), депутат **Ф. Ш. Шамсутдинов** (Фарғона область 146-сонли Қорабўйин сайлов округи), депутат **Х. Й. Юнусов** (Фарғона области, 122-сонли Езявон сайлов округи), депутат **А. Раҳматуллаев** (Қашқадарё области 396-сонли Чияли сайлов округи), депутат **И. Ниёзметов** (Бухоро области, 313-сонли Қизил Октябрь сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Олий Совет муҳокама қилинган докладлар юзасидан музокараларни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. 1957 йил учун Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш плани ҳамда 1957 йил учун республиканинг давлат бюджети тўғрисидаги масалалар бўйича Ўзбекистон ССР Молия министри депутат **М. Исомиддинов** охирги сўзга чиқди.

Олий Совет 1957 йил учун республика халқ хўжалигини ривожлантириш плани тўғрисида Қонун қабул қилди. Ўзбекистон ССРнинг 1957 йилги давлат бюджети ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети бюджет комиссиясининг қўшимча доклади тасдиқланди. 1957 йил учун Ўзбекистон ССРнинг давлат бюджети тўғрисидаги Қонун модлама-модда, сўнгра эса тамомила қабул қилинади.

Шу билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси тамом бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

КЕЧА СЕССИЯДА

Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, интеллигенциясининг меҳнат кунлари ёрқин, катта воқиалар билан тўладир. Улар Улуғ Октябрнинг қирқ йиллигига тайёргарликни олтинчи беш йилликда хўжалик ва маданий қурилишда Коммунистик партия XX съезди томонидан белгиланган улуғвор программани муддатидан илгари бажариш учун кураша янги ютуқларга эришиш билан нишонламоқдалар. КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг ҳамда СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг қарорлари барча совет кишилари сингари республика шаҳарлари ва қишлоқларининг меҳнаткашлари ўртасида ҳам ижодий ғайратни ғоят ошириб юборди. Бу қарорлар мамлакатимизда коммунистик қурилиш йўлидаги муҳим даврни такил қилади. Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзларининг совет Ватани қудратини янада мустаҳкамлаш ишига бутун куч-қувватларини сарфлашга қатъий қарор берганликларини, ўзларининг Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига чексиз садоқатларини яқинда маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловларда янги куч билан намойиш қилиб кўрсатдилар.

Шу муҳим кунларда — 14 мартда Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси очилди. Халқ вакиллари олтинчи беш йилликнинг иккинчи йилида республика олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этиш учун тўпландилар.

Ҳукумат ложаларида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, министрлар ўтирибдилар. Мажлислар залида жуда кўп меҳмонлар бор.

Олий Совети Мандат комиссиясининг раиси депутат **А. Тоиров** докладидан кейин Олий Совет учта сайлов округи бўйича янгидан сайланган депутатларнинг ваколатларини бир овоздан тасдиқлайди, сўнгра кун тартибини қабул қилади.

Кун тартибидаги биринчи масала — 1957 йилда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш плани тўғрисида доклад қилиш учун республика Госплани раиси **М. М. Мусахоновга** сўз берилади.

— Депутат ўртоқлар, — дейди ўртоқ Мусахонов, — улуғ Совет Иттифоқининг барча халқлари Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида, ленинча миллий сиёсатнинг изчиллик билан амалга оширилиши натижасида, иқтисодий ва маданий қурилишда катта ютуқларга эришдилар. Совет Ўзбекистони ҳам халқ хўжалиги, маданият ва фанни ривожлантиришда ажойиб ютуқларга эришди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати унинг бу ютуқларига юксак баҳо берди.

Докладчи 1956 йилда давлат планининг бажарилиши якунларига муфассал тўхталади. Республикада халқ хўжалигининг барча тармоқлари тез суръатлар билан ривожланишда давом этди, меҳнаткашларнинг маданий даражаси ва моддий фаровонлиги ошди. Ўзбекистон ССР Статистика бошқармасининг сессия арафасида эълон қилинган расмий ахбороти буни яққол кўрсатиб туради.

Меҳнаткашларнинг ижодий активлиги асосида саноат томонидан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани 104 процент бажарилди. Пландан ташқари оғир саноатнинг 933 миллион сўмлик муҳим буюмлари ва кенг истеъмол товарлари чиқарилди.

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

Суратда: мажлислар залида. И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Яна бир мисол: Андижондаги заводда бензин цистерналар ишлаб чиқарилади. Булар учун шасси Андижонга Москвадан келтирилади. Сўнгра, заводда Уралдан олиб келинган металлдан тайёрланган цистерна шассига ўрнатилиб, уларни яна қайтариб РСФСР, Украина ва бошқа республикаларга олиб кетилади. Бу бензин цистерналар автомашиналар ва металл ишлаб чиқариладиган Уралнинг ўзида бевосита ишлаб чиқарилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди, албатта.

Биз капитал қурилиш ва уй-жой қурилишидаги мавжуд жиддий камчиликларни ҳалигача тугатаолганимиз йўқ. Бу соҳадаги қолоқликнинг асосий сабаби, қурилиш ташкилотларининг ёмон ишлаётганликларидан ташқари, етарли миқдорда бинокорлик материалларининг йўқлигидир.

Республикада бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш учун ҳом ашёнинг (соғ тупроқ, оҳак, тош ва бошқалар) гоят кўплигига қарамай, булардан фойдаланиш мутлақо қониқарли эмас. Масалан, деворбоп материалларга бўлган эҳтиёж атиги 60-70 процент, цементга бўлган эҳтиёжнинг тахминан ярмигина қондирилмоқда. Жуда кўп тош ва қамишзорлардан мутлақо фойдаланмай келинмоқда.

Кўпгина министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари Партия ва Ҳукуматнинг янги бинокорлик материаллари, темир-бетон конструкциялари, қуруқ шувоқ материаллари, ганч плиталар, тўсин ўрнида ишлатиладиган материаллар, блоклар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва улардан кенг фойдаланиш тўғрисидаги қарорини бажаришга масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Қамиш плиталари ишлаб чиқариш ташкил этилмади.

Ваҳоланки, саноатни ривожлантиришга давлат озмунча маблағ сарфлаётгани йўқ. Бинокорлик материаллари саноатини ривожлантириш учун ажратилаётган маблағлардан ёмон фойдаланилмоқда.

Кўпсонлик министрликлар ва идораларнинг мавжудлиги иқтисодий районларни комплекс ривожлантиришга ҳалақит берадиган маълум тўсиқларни келтириб чиқармоқда.

Шу билан бирга бу ҳол айрим етук бўлмаган ходимларда маҳаллийчилик, миллий чекланиш, умум давлат манфаатларига зиён ҳолда маҳаллий манфаатларни устун қўйишга интилиш каби салбий ҳодисаларнинг рўй беришига сабаб бўлмоқда.

Докладчи бир қанча мисоллар келтириб, маҳаллий имкониятлардан фойдаланиш ва саноатни ҳом ашё манбаларига яқинлаштириш соҳасидаги камчиликларни очиб ташлади.

— Маълумки, — дейди Ўртоқ Муҳитдинов, — энергетика ва ёқилги халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосидир. Шунинг учун ҳам энергетика ва ёқилги саноати доимо халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан устунроқ даражада ривожланиши лозим. Ваҳоланки, Ўзбекистонда бу соҳалар орқада қолмоқда.

1956 йилнинг ўзидагина республикада юзларча минг киловатт энергетика қуввати етишмади, ҳолбуки, Ўзбекистон дарёларининг потенциал ва гидроэнергетика ресурслари жуда каттадир. Миллиардларча тоннадан иборат жуда катта кўмир запаси бўлгани ҳолда республикага узоқ жойлардан кўмир ташиб келтириш йил сайин камайиш ўрнига ошиб бормоқда. Нефть ва табиий газ ресурсларидан фойдаланишнинг аҳволи бундан ҳам ёмон.

Ўртоқ Муҳитдинов ўз докладида бирқанча Иттифоқ министрликларини танқид қилди. Масалан, Кўмир саноати корхоналари қурилиши министрлиги, Нефть саноати корхоналари қурилиши министрлиги республикамизда кўмир ва нефть саноатини ривожлантиришга тегишинча эътибор бермай келадилар. Бунинг натижасида Ўзбекистонда катта кўмир ва нефть запаслари мавжудлигига қарамай, темир йўл транспорти республикага кўмир келтириш учун 100 мингтагача вагон ажратишга мажбур бўлмоқда.

Республикамизда пахтачилик учун янги машиналар конструкциясини вужудга келтириш, уни ишлаб чиқариш ва жорий қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳаммасини ҳал этиш учун барча зарур шарт ва шароитлар яратилган. Республикада пахтачилик учун машина ишлаб чиқарадиган қишлоқ хўжалик машинасозлик заводлари, пахтачилик бўйича илмий-текшириш муассасалари, тажриба станциялари, конструкторлик бюроси бор. Бизда Ватанимиз пахтачилиги шуҳратини орттираётган кўпсонли мутахассис кадрлар ва юқори ҳосил усталари бор.

Докладчи саноат ва конструкторларнинг пахтачиликка зарур анчагина машина ва асбоблар яратганликларини таъкидлади. Бироқ, вужудга келтирилган пахта териш машиналарида жиддий камчиликлар бор, шунинг учун ҳам биз пахта теришни механизациялашда қилган ишларимизни муваффақиятли қўлга киритолганимиз йўқ.

Лекин ишлаб чиқарилган пахта териш машиналари конструкциясида жиддий камчиликлар бўлишига қарамасдан ғўзани парвариш қилиш агротехникаси мукаммал ишлаб чиқилганида, пахтанинг машина билан териш талабларига жавоб берадиган навлари яратилганида, ғўза баргини тўкиш ва кўсакнинг очилишини тезлаштириш учун таъсир кучи етарли бўлган химиявий дорилар етарли даражада ишлаб чиқарилганда эди, бу машиналардан анча яхши фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Селекция иши, пахтачилик агротехникаси, машиналарни конструкция қилиш, машина ва химикатлар ишлаб чиқариш бошқармаларга бўлиб юборилганлиги ва ишлаб чиқаришдан ажралиб қолганлиги натижасида биз шу вақтгача пахта териш масаласини комплекс ҳал этолмадик.

Шуни ҳам айтиш керакки, машинасозлик заводлари, конструкторлик бюроси, илмий-текшириш институтларининг иттифоқ министрликларига бўйсуниши республиканинг кўпгина раҳбар ходимларида ана шу завод ва институтлардаги ишнинг аҳволи, хусусан пахта териш учун яхши машина конструкцияси яратиш ва уни ишлаб чиқариш учун масъулиятни сезмасликка олиб келди.

Колхоз ва совхозларда сарфланаётган ҳамма меҳнатнинг ҳозир 40 процентчасини ташкил қиладиган пахта теришни механизациялашдек гоят катта ва муҳим ишни худди шундай керексиз, ортиқча марказлаштириш натижасида ҳамма раҳбарликнинг ишлаб чиқариш ва практикадан ажраб қолганлиги натижасида ана шундай кўнгилсиз аҳвол юз берди.

Энди, саноатни бошқариш маҳаллий органларга ўтказилганда пахта териш машиналари ва пахтачилик учун керакли бўлган ҳамма бошқа машиналарни яратиш ва ишлаб чиқариш масъулияти бутунлай республика ва маҳаллий партия, совет ва хўжалик органлари зиммасига тушади.

Энг биринчи вазифа ўтмишдаги жиддий хатоларни такрорламасдан, мавжуд пахта териш машиналарини ҳар томонлама яхшилашдан, бу машиналардан дадилроқ фойдаланишдан, янги, янада тежамлироқ ва мукаммалроқ машиналар яратиш, ғўзани парвариш қилиш агротехникасини тубдан яхшилаш ҳамда пахтанинг машина билан теришга мос бўлган янги сортларини яратиш учун амалий чоралар кўришдан иборатдир.

Бошқаришнинг ҳозирги формаси, — дейди докладчи, — айрим ходимларда маҳаллий вазифалар фойдасини кўзлаб, умумдавлат манфаатларини кейинги планга суриш майлини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг иш практикасида ўтмишда ана шундай хатоларга йўл қўйилган эди. КПСС Марказий Комитети хўжалиққа раҳбарлик қилиш соҳасида маҳаллийчилик кўринишлари, манфаатларнинг иқтисодий фойдасини ва мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олмаслик умумдавлат манфаатларини кейинги планга суриш ва маҳаллий манфаатларни кўзлашдан иборат хатоларга йўл қўйганлиги учун Ўзбекистон раҳбарларининг хатоларини бир неча марта тузатди.

Маҳаллий чекланиш тенденцияларининг иқтисодий оқибатлари шу нарсада кўринликки, умумиттифоқ миқёсида меҳнатни тақсимлашнинг асосий принциплари, мамлакат хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги пропорция бузилди.

Хўжаликка раҳбарликдаги бундай ярамас позиция кадрларни тўғри тарбиялашга салбий таъсир кўрсатмасдан қололмас эди, айрим етук бўлмаган ходимлар миллий чекланишга йўл қўйдилар. Бу чекланиш ўз ватанпарварлик ва интернационалистик бурчини яхши тушунмасликда яққол кўринди.

Хўжаликни бошқариш структурасининг мукаммал эмаслиги ҳақида гапирганда республика органларининг иттифоқ министрликлари қарамоғидаги корхоналар ва қурилишларга раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликлари ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ.

Бу корхоналарнинг халқ хўжалиги учун аҳамияти жуда катта. Бироқ, бу корхоналар иттифоқ министрликларига бўйсунганлиги учун айрим ходимлар, улар билан шуғулланиш керак эмас, деб ҳисобларди.

Республика раҳбар ходимлари машина ва маҳсулотлар республика эҳтиёжлари учун тайёрланаётганида иттифоқ миқёсидаги корхоналарда ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини, ҳатто суткалик графикларнинг бажарилишини қунт билан кузатиб борар эдилар, лекин бу корхоналарнинг асосий планларни бажаришларини таъминлаш билан етарли даражада шуғулланмас эдилар.

Кўпинча иттифоқ қарамоғидаги заводлар уларнинг профилига тўғри келмайдиган заказлар билан банд қилиб қўйилар эди. Бунда шуни айтиш керакки, заказлар кўпинча ўйланмасдан, эҳтиёжлар ҳисобга олинмасдан берилар эди.

Планлаштириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, аҳолини саноат ва озиқ-овқат моллари билан таъминлаш, капитал ва уй-жой қурилишини яхшилаш, ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида гапириб, ўртоқ Муҳитдинов шу нарсани таъкидлаб кўрсатдики, бошқаришнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилиши социалистик планлаштириш устунликларидан тўла фойдаланиш имкониятини бермас, масъулиятсизлик ва бошқалар ҳисобига кун кўриш майлини туғдирар, кооперативлаштириш ва ихтисослаштиришнинг асосий тўсиғи бўлган тор идоравчилик нуқтаи назаридан қарашдек ярамас аҳволни келтириб чиқарар эди.

Докладчи бир қанча мисоллар келтириб, саноат ва қурилишни бошқаришнинг мавжуд формаларини қайта қуриш нақадар зарур эканлигини кўрсатиб берди.

Бу, айрим министрликлар ва идораларни навбатдаги бирлаштириш ва йириклаштириш эмас, — дейди докладчи, — балки КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми кўрсатганидек, хўжаликни бошқариш структурасини тубдан ўзгартиришдир. Турмушнинг ўзи, социалистик тузумимиз тараққиётининг ўзи анъ шундай ўзгаришни талаб қилмоқда.

Вазифа саноат ва қурилишни бошқариш формаси ва методларидаги камчиликларни тугатиш, идоравчилик тўсиқларини тугатиш, ходимларнинг топширилган иш учун шахсий жавобгарлигини ошириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларини янада зўр бериб ривожлантириш мақсадида мавжуд имкониятлардан тўла ва тўғри фойдаланиш учун шароит яратишдан иборатдир.

Давлат бошқариш формасини тезда қайта қуришнинг нақадар зарурлигини тасаввур этиш учун яқин беш-ўн йил ичида ҳал қилиш керак бўлган ва олдимизда турган вазифаларни кўриб чиқамиз.

Бу вазифаларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон илгаригидек СССРнинг асосий пахта базаси бўлиб қолади. Олтинчи беш йилликнинг охирида республика пахта етиштиришни бир ярим баравар ошириши, еттинчи беш йилликда эса Мирзачўл, Марказий Фарғона ва бошқа районлардаги ерларни ўзлаштиришни тугаллаб, пахта қосилини анча ошириб, пахта тайёрлашни камида 4 миллион тоннага етказиши керак. Бу осон вазифа эмас. Бу вазифани пахтачилик хўжалигини ташкил этишнинг даражасини анча ошириш, селекция ва агротехникани яхшилаш, пахтачиликни комплекс механизациялашни таъминлаш йўли билангина ҳал этиш мумкин.

Беш йилликнинг охирига на меҳнат ресурсларидан энг самарали фойдаланиш, янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш ҳамда меҳнат унумдорлигини янада ошириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни максимал даражада кўпайтириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш, шунингдек қурилиш муддатларини ҳамда янги қувватларни ишга солиш муддатларини тезлаштириш;

саноатни комплекс равишда ривожлантириш, саноат тармоқларининг фаолиятида ўзаро алоқани мустаҳкамлаш, корхоналарни территориал жиҳатдан тўғри жойлаштириш, ишлаб чиқаришни максимал даражада ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш учун шароит яратиш, турли соҳалардаги бир хил корхоналар ишидаги параллелизмни тугатиш;

бошқариш аппаратини янада арзонлаштириш, ортиқча звеноларни қисқартириш, корхона ва қурилишларни малакали ходимлар билан мустаҳкамлаш учун уларни аппарат ишидан ана шу жойларга юбориш.

Республика Компартияси Марказий Комитети ва Ҳукуматида мутахассислар, олимлар ва раҳбар ходимларнинг иштироки билан КПСС Марказий Комитети февраль Пленумидан кейин хўжаликни бошқариш формасини қандай қилиб қайта қуриш масаласи ҳар томонлама ўрганилди.

Бу масалада тайёр рецептлар ва тугалланган таклифлар йўқ. Бир неча вариантлар кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси республика саноати ва қурилишини бошқаришнинг биз учун энг мақсадга мувофиқ бўлиб кўринган структурасини асос сифатида Пленум муҳокамасига қўйишни зарур деб топди.

Республика Министрлар Совети ҳузурида саноат ва қурилишнинг ҳамма тармоқларига раҳбарлик қилиш учун ягона орган тузиш, уни **Ўзбекистон ССР саноат ва қурилиш бўйича Давлат Кенгаши** деб аташ, унинг ихтиёрига республика, иттифоқ-республика ва иттифоққа қарашли Ўзбекистон территориясидаги барча саноат корхоналари, автомобиль ҳўжалиги ва қурилиш ташкилотларини олиб бериш мумкин бўлар эди.

Давлат Кенгаши ўзига тегишли масалаларни ҳал этишга тўла қодир бўлишини таъминлайдиган, саноат ва қурилишнинг барча соҳаларини доимо назорат қилиб туроладиган, жорий планлаштиришни тўғри туза оладиган, асосий катта масалаларни коллегиал тарзда ҳал қилоладиган структурага эга бўлиши керак. Давлат Кенгаши доимий ишлайдиган ихтисосли экономика ва техника консультация группаларига эга бўлиши керак.

Шу билан бирга Давлат Кенгашининг структураси республика Ҳукумати билан тарқибан боғланиши керак. Чунки у шу ҳукумат составига киради.

Давлат Кенгаши саноат ва қурилишнинг конкрет соҳаларига раҳбарликни таъминлаш учун тармоқлар бўйича тегишли главкалар, трестлар ва бошқармаларга эга бўлади.

Бош бошқармалар тугал балансга эга бўлган мустақил хўжалик органлари бўлишлари керак.

Сўнгра докладчи ташкил этилиши кўзда тутилган Ўзбекистон ССР саноат ва қурилиш Давлат Кенгаши ишини уюштириш ҳақида, республика Министрлар Совети фаолияти ва структурасини қайта тузиш, Ўзбекистон ССР давлат план комиссияси олдида турган вазифалар, Давлат контроли министрлигининг иши ҳақида гапиради.

Республика Давлат контроли министрлиги ўз зиммасига юклатилган вазифани қониқарсиз бажармоқда. Министрлик аппаратида маош оладиган жуда кўп ходимлар бўлишига қарамасдан. Партия ва Ҳукумат директиваларининг бажарилишини текшириш ишлари системали олиб борилмаяпти, баъзан эса бундай текширишлар чуқур бўлмаётир, давлат бошқаришини яхшилашнинг туб масалалари ишлаб чиқилмаётир, бюрократизм ва сансалорликка қарши етарли кураш олиб борилмаётир. Министрлик ўз ишини асосан танлаб-танлаб текшириш ўтказиш ва локладномалар ёзиш билан чеклаб қўймоқда. Министрлик ўз атрофига меҳнаткашлардан актив тўпламаган, ўз ишини кўпинча маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан боғламаган ҳолда олиб бормоқда.

Министрликнинг вазифаси халқ хўжалигининг барча звеноларини контроль қилишнинг ленинча принципларини амалга оширишдан, контроллик ишига кенг меҳнаткашлар, ишчилар, колхозчилар ва интеллигентлар оммасини жалб қилишдан иборатдир.

Янги шароитларда касаба союзларининг хўжалик қурилишидаги, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга актив жалб этиш соҳасидаги роли ва аҳамияти беқиёс даражада ўсади.

Ўзбекистон касаба союзлари ўз сафларида 1 миллионга яқин ишчи ва хизматчиларни бирлаштирган. Бу шундай катта кучдирки, уни моҳирлик билан уюштира олсак, биз ишлаб чиқаришни янада такомиллаштиришга ва меҳнат унумдорлигини оширишга эриша оламиз.

Лекин республика касаба союзларининг ҳозирги структураси ҳаёт ўртага қўйётган талабларга жавоб беролмайди, саноат ва қурилишни идораларга бўлиб юбориш принципини акс эттиради, шунинг учун ҳам у кўп погонали ва қатта бўлиб кетган.

Касаба союзларнинг 8290 та қўйи касаба союз ташкилотларини бирлаштирувчи 663 марказий, область, шаҳар ва район комитетлари бор. Идоранинг бу даража кўпайиб кетганлиги раҳбарликнинг бюрократик услуби ва методларини, жонли ташкилотчилик иши ўрнига қоғозбозликни келтириб чиқаради. Қуйи ташкилотларнинг раҳбарлари юқоридан келадиган қарорлар, директивалар, инструкциялар ва кўрсатмалар уюмига кўмилиб қолмоқдалар.

Ходимлар кўп вақтларини Узсовпроф учун хилма-хил ахборот ва справкалар тузиш билан ўтказадилар.

Касаба союз раҳбарлигининг бундай услубига бундан буён чек қўйиш керак. Чунки бунинг натижасида касаба союз ишининг кўпгина муҳим участкалари бутунлай эътибордан четда қолмоқда.

Партия органларининг касаба союз ташкилотларига муносабатини тубдан ўзгартириш зарур. Кўпгина партия комитетлари касаба союз фаолияти билан қизиқмайдилар, уларни етарли даражада қўллаб-қувватламайдилар, касаба союз органларининг фикрини назар-писанд қилмаётган хўжалик раҳбарларининг хатосини тузатмайдилар.

Комсомол ташкилотлари ишини янада яхшилаш керак.

Комсомол социалистик қурилишнинг ҳамма даврларида актив қатнашди, доимо янги, илғор, прогрессив ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Ҳозир республика комсомол ташкилоти составида 570 минг йигит ва қиз бўлиб, булардан 66 минг киши саноатда, 7 минг киши транспортда ва 8 минг киши қурилиш ташкилотларида ишламоқда.

Саноат ва қурилишни бошқаришнинг қайта тузилиши муносабати билан Ўзбекистон комсомоли бевосита саноат, қурилиш ва транспортда ишлаётган ёш ишчилар ўртасида бутун фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор бериши керак.

Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг секретарларидан тортиб, республиканинг кўпгина комсомол раҳбар ходимлари саноат ва қурилиш билан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланганчалик шуғулланмаётирлар. Улар завод, фабрика, қурилиш ва темир йўл транспортида камдан-кам бўладилар, корхона ва қурилишлардаги бошланғич комсомол ташкилотларининг ишини чуқур ўрганмайдилар, ёшларнинг қандай ҳаёт кечираётганликларини билмайдилар, ёш ишчиларни коммунистик руҳда тарбиялашга етарли эътибор бермайдилар, шунингдек ишчи ёшлар ўртасида, айниқса ФЗО мактаблари ва ҳунар мактабларидаги бошланғич комсомол ташкилотлари ишини яхшилашга, ўқувчилар ўртасида сиёсий тарбиявий ишларни кучайтиришга етарли эътибор бермаётирлар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республиканинг барча комсомол ташкилотлари ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ва маданий-маорифий ишлари олиб бориш билан жиддий равишда шуғулланишлари керак. Бу ишда партия ва совет органлари комсомолга бевосита ва самарали ёрдам кўрсатишлари лозим.

Ўртоқ Муҳитдинов ўз докладининг кўпгина қисмини кадрлар тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш билан боғлиқ бўлган масалаларга бағишлади.

Республика партия ташкилоти сўнгги йилларда халқ хўжалигининг барча соҳалари учун кўп сонли кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш юзасидан катта ишлар қилди.

Шу нарса қувончлики, раҳбар кадрлар сўнгги йилларда ўз вазифаларида муқим ишлайдиган бўлиб қолдилар. Уларнинг ўзгариши ва кўчиб юриши анча камайди. Район партия комитетларининг секретарлари ҳамда район ижроия комитетларининг раисларини алмаштириб туриш жуда камайди.

Ўзбекистон партия органлари кенгроқ равишда ишлаётган ва ишчилар ва деҳқонлар оммасидан ажралмаган, ишчилар ва деҳқонлар оммасидан ажралмаган, ишчилар ва деҳқонлар оммасидан ажралмаган,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми

Партия органи томонидан принципиал ва коллектив тарзда ишлаб чиқилган кўрсатмалар асосида оператив масалалар юзасидан якка тартибда фармойишлар бериш кундалик иш практикасида бўлиши мумкинлигина эмас, балки зарурий бир ҳолдир.

Шуни айтиш керакки, партия раҳбарлигининг муҳим принциплари ва даставвал топширилган иш учун шахсий жавобгарлик ҳисси раҳбар кадрларимиз ўртасида яхши сингдирилмаётир. Айрим партия, совет ва хўжалик ходимлари ўртасида партия ва давлат интизомининг жиддий суратда сусайиб кетганлигининг сабаби ҳам шудир.

Ходимларимиз ҳар қандай кенгашлар ва мажлисларда кўпдан-кўп ваъдалар бериб, бу ваъдаларни шу ернинг ўзидаёқ эсларидан чиқариб қўйишлари, айрим ўртоқлар эса кўпроқ ваъзхонлик қилиб, ўзлари берган ваъдаларини амалга ошириш бўйича жонли, ташкилий иш олиб бормасликлари сингари ярамас аҳвол худди шундан келиб чиқмоқда.

Ўртоқ Муҳитдинов қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш масалалари устида муфассал гапириб, колхоз ва совхоз далаларининг меҳнаткашлари 1957 йилда 3 миллион тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганликларини эслатиб ўтди. Гўшт, сут, пилла, жун, тухум, қоракўл тери, сабзавот, картошка, луб экинлари, ҳўл мева ва узум етиштириш юзасидан юксак мажбуриятлар олинди.

Олдимизда кўпгина катта масъулиятли вазифалар турибди. Бу йил Ўзбекистон партия ташкилоти ва унинг кадрлари учун янги синов, етуклик имтиҳони йили бўлади.

Пахтакорларимиздек ажойиб, меҳнатсевар, истеъдодли халқимиз бор экан, Иттифоқ ҳукумати кўрсатаётган ғоят катта моддий-техника ёрдамига таянган ҳолда, республика, область, шаҳар ва район ташкилотларига, МТС, колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилаётган кучли, қийинчиликларга қарши курашда ўсиб етишган активга эга экамиз озгина бўлса ҳам сусткашликка йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ ва ҳар қандай шароитда ҳам ўтган йилги муваффақиятларни мустаҳкамлашимиз, қийинчиликларни енгишимиз, пахта тайёрлаш планини бажаришимиз зарур. Бу эса пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада қудратлироқ юксалтириш учун мустаҳкам замин бўлади.

Сўнгги вақтларда иттифоқ органларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга боғлиқ бўлган бир қанча масалалар кўриб чиқилди ва ижобий ҳал этилди. Энди ҳамма гап ўзимизга, раҳбар ходимларнинг бутун имкониятларимиздан тўғри фойдалана олишларига боғлиқ.

1957 йилнинг икки ярим ойи ўтди. Ғалла, беда экишни қизитиб юбориш пайти келди, чигит, маккажўхори, сабзавот ва бошқа экинларни экишга киришиш керак.

Лекин бизда шу вақтгача экин кампаниясига тайёргарликни тугалламаган, шу жумладан трактор, қишлоқ хўжалик машиналари ва инвентарлар ремонтини, ирригация-мелиорация тармоқларини тозалашни, ғўнг тайёрлаш ва далага олиб чиқишни тугалламаган кўпгина район, МТС ва совхозлар бор.

Ҳаммаси бўлиб, 1.100 минг гектар ернинг, шу жумладан чигит экиш учун 750 минг гектар ернинг шудгор қилинганлиги, кузда деярлик шўр ювиш ўтказилмаганлиги вазиятни янада оғирлаштиради. Шунинг учун шўрхок ерларни ювишни, ер ҳайдашни ва экишни бир вақтда ўтказишга тўғри келади, бу эса ҳаммамиздан катта уюшқоқлик ва маҳоратни талаб этади.

Биз об-ҳаво шароитларини ҳисобга олиб, экишни ва ундан кейинги ишларни ўтган йилдагига нисбатан анча барвақт ўтказишимиз ва бу билан камида 15-20 кун вақтни ютиб, барча дала ишлари сифатини анча яхшилашимиз, ҳосилнинг эрта етилишига эришишимиз ҳамда пахта гайёрлаш планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги кунигача бажаришимиз керак.

Докладчи Пленум қатнашчиларининг эътиборини ҳосилдорликни оширишнинг ҳамма резервларини ишга солиш, ҳамма дала ишларини юқори сифатли қилиб бажариш, чигитни гектарларга тўла экиш, ғўза тупларининг зарур қалинликда бўлишини таъминлаш, бунда квадратуялаб экилган майдонларда айниқса катта эътибор бериш билан боғлиқ бўлган зарур тадбирларга жалб қилиб, янги ва партов ерларни ўзлаштириш ҳақида, суғориладиган ерлардан фойдаланишдаги чалкашликларга қарши қатъий курош олиб бориш, механизатор кадрлар ва сувчиларнинг ролини ошириш ҳақида гапирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорида экишни юқори сифатли ўтказиш, чигитни гектарларга тўла экиш ҳамда ғўзанинг зарур қалинликда бўлиши билан боғлиқ бўлган муҳим тадбирлар белгилаб берилди.

Марказий Комитет ва Ҳукумат нима учун бу йил даставвал уч масалага: тўла гектар, ғўзанинг зарур қалинликда бўлиши ҳамда дала ишлари сифатига алоҳида эътибор беришга қарор қилди?

Чунки, бу тадбирлар ҳосилдорликни оширишнинг асосий резервидир.

Умуман суғориладиган ерлардан ва хусусан ҳар бир картадан фойдаланишда эътиборсизлик ва хўжасизликка йўл қўйиш Ўзбекистонда кенг тарқалган, бу эса пахтачиликка энг катта зарар етказади. Республика бўйича ҳар йили планда белгиланганидан неча ўн мингдаб гектар ерга кам чигит экилади.

Кўкламги экишни ўтказишда маъмуриятчиликка йўл қўйиш ярамайди. Бироқ, ҳар бир бригада ва звенонинг конкрет шароитларини ҳамда бу йил тупроқда намнинг кам эканлигини ҳисобга олиб, экишни ҳар йилгидан анча илгари ўтказиш, ҳар бир колхоз ва совхозда кўп деганда саккиз-ўн кунда, бутун республика бўйича 15 апрельгача тугаллаш, чигит экиб бўлингандан саккиз-ўн кун ўтгач уни ернинг ўз намида ундириб олиш, апрелнинг охирларигача ҳамма жойда чигитнинг бир текис униб чиқишига эришиш керак. Биз бу ишни эплайолсак, юқори ҳосил учун мустаҳкам замин яратган бўламиз.

Луб экинлари, сабзавот, картошка, маккажўхори, оқ жўхори ва бедани юқори сифатли қилиб экишга ҳамда бу экинлар бўйича экиш планининг сўзсиз бажарилишига эришиш, пилла топшириш йиллик планини биринчи қурт боқишдаёқ бажариш керак.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети сут ва гўшт етиштиришни кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу қарор матбуотда эълон қилинди. Қарорда чорвачилик юзасидан ўтган йилги ишларимиз якунларига ва унинг ҳозирги аҳволига баҳо берилган.

Вазифа ана шу қарор асосида ҳар бир колхоз ва совхозда ўтган беш ой ичида қилинган иш якунларини кўриб чиқиш, чорвачилик соҳасидаги йўл қўйиб бўлмайдиган қолоқликни тугатиш юзасидан тавсия этилган чораларни кўриш, чорвани сақлаб қолиш ва уни кўпайтиришга эришишдан иборатдир. Бунда кўкламги кўзилатишни муваффақиятли ўтказишга ҳамда чорва маҳсулдорлигини кескин равишда оширишга алоҳида эътибор бериш керак.

Ўзбекистон Компартиясининг XIII съезди республика олдига муҳим вазифа — икки йил — 1956-1957 йилларда кўпгина колхозларни қолоқликдан чиқариш ва бу колхозларда ҳосилдорликни камида гектаридан 20 центнерга етказиш вазифасини қўйди.

Шу муносабат билан партия ва совет органлари шу вақтгача кам ҳосил олиб келаётган районлар, колхозлар, совхозлар, бригадалар ва звеноларга экишни ва ундан кейинги ишларни намунали ўтказишда реал ёрдам кўрсатишлари зарур.

Бу талабларнинг ҳаммаси бизга ўз зиммамизга олган мажбуриятни бажариш ҳамда бу йил давлатга камида уч миллион тонна пахта етказиб бериш учун мустаҳкам асос яратиб беради.

Ўртоқ Муҳитдинов ўз докладининг охирида бундай деди:

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари энди ликда саноат, қурилиш ва транспортга янгича раҳбарлик қилишлари керак.

Республика партия ташкилоти ҳал қилувчи участкаларга эътиборни кучайтириши, бошланғич партия ташкилотлари ишини мустаҳкамлаш ва яхшилаш чораларини кўриши, уларнинг хўжалик ишидаги ролини ошириши, партияга илғор ишчилар, бинокорлар, инженер-техник ходимларни, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши новаторларини қабул қилиш ишини яхшилаши керак.

Олдимизда турган катта вазифалар партия органларининг омма билан алоқасини янада мустаҳкамлашни, ишчилар ва барча меҳнаткашлар эҳтиёжига эътиборни оширишни, уларга зарур маданий-маиший шароитлар яратиб беришни, уларнинг эҳтиёжини яхши қондиришни, танқидга ва айниқса қуйидан бўладиган танқидга тўғри муносабатда бўлишни талаб этади.

Бу жиҳатдан коммунистларнинг бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида, партия конференцияларида айтган танқидий мулоҳазаларини, истаклари ва наказларини, сайловчиларнинг эса маҳаллий Советларга сайлов кампанияси даврида депутатликка кандидатлар билан учрашув вақтида берган наказларини партия комитетларида умумлаштириш жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ишонч билдириб айтадики, улуғ Ленин байроғига чексиз содиқ бўлган, хўжалик — сиёсий масалаларни ҳал этишда ўзининг етук эканлигини бир неча марта кўрсатган Ўзбекистон Коммунистик партияси партиямиз Марказий Комитети раҳбарлиги остида халқ оммасининг партия XX съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга оширишга қаратилган ижодий ғайратига бошчилик қилаолади ва мамлакатимизда коммунизм қурилиши йўлида Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг янада қудратли юксалишини таъминлайди.

* * *

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бошланди

Пленум қатнашчилари ўз нутқларида КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарорида саноатни ва қурилишни бошқаришни такомиллаштиришнинг, мамлакат халқ хўжалигига раҳбарликни тубдан яхшилашнинг жанговар программаси баён қилиб берилганлигини айтиб, бу қарорни қизғин маъқулладилар.

Сўзга чиққанлар уқтириб айтдиларки, халқ хўжалигини бошқаришни кенг миқёсда қайта ташкил этишни ҳал этиш пайти келди. Саноатни бошқаришдаги демократик централизмнинг ленинча принципи асосида ўтказиладиган бу иш КПСС XX съезди томонидан социалистик экономикани янада ривожлантириш соҳасида қўйилган вазифаларга тўла равишда мос бўлиб тушади. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорини амалга ошириш давлат органларининг раҳбарлик фаолиятини бевосита ишлаб чиқаришга яқинлаштирали, моддий-техника ресурсларидан тежаш ҳам тўлароқ фойдаланишни, омманинг ижодий ташаббускорлигини авж олдириб юборишни таъминлайди.

Хўжалик ва маданий қурилишда иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва маҳаллий Советларнинг ролини ошириш соҳасида Партия ва Совет ҳукумати томонидан кўрилган тадбирларнинг жуда катта аҳамияти борлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Бу тадбирлар Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсатидан келиб чиқаётган тадбирлардир.

Нотиқларнинг сўзларида Ўзбекистоннинг саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари олдида турган энг зарур вазифаларни амалга ошириш, 1957 йилги халқ хўжалик планини муваффақият билан бажармоқ учун ҳамма имкониятлардан фойдаланишга доир муҳим масалалар айтиб ўтилди.

Пахтачиликни кескин равишда юксалтириш, республика пахтакорлари томонидан 1957 йилда мамлакатга камида 3 миллион тонна пахта бериш тўғрисида қабул қилинган мажбуриятларни муваффақият билан амалга ошириш вазифаларига асосий эътибор берилди. Шу муносабат билан кўкламги экишга тайёргарлик ишларида юз берган катта камчиликлар ҳақида гапиридли.

Корхоналарнинг ва маҳаллий ташкилотларнинг талабларига жавобан оператив иш қилмаётган баъзи бир иттифоқ ва республика министрликлари жиддий танқид қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Андижон обкомининг секретари Ўртоқ **Курбонов,** область саноатини ривожлантиришда эришилган муваффақиятларни қайд қилиб, область партия комитети ва область ижроия комитети, район партия ва совет органлари хўжаликнинг айрим тармоқларидаги аҳволни, ишлаб чиқариш экономикасини жуда кам ўрганаётганликларини кўрсатиб ўтди. Резервлардан фойдаланишнинг суст бораётганлигига сабаб ҳам мана шудир.

— Лекин кўпгина корхоналарнинг ёмон ишлаётганлиги планлаштирувчи ташкилотлар, бир қанча министрликлар ва бошқармалар фаолиятидаги катта хатоларнинг оқибатидир.

Шу муносабат билан Ўртоқ Қурбонов нефть саноатининг ишини анализ қилиб берди. Гарчи нефть саноати планни бажараётган бўлса ҳам, лекин нефть чиқаришни кўпайтирмоқ учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётир. Нефть конлари пармалаш ускуналари билан етарлик равишда таъминланмагандиги ишнинг белига тепмоқда. Бу ҳақда СССР нефть саноати министрлиги махсус буйруқ ҳам чиқарди. Ўтган йил Ўзбекистон СССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳам республикада нефть ва газ чиқаришни кўпайтириш тўғрисида кенгайтирилган қарор қабул қилдилар. Аммо, мўлжалланган тадбирларнинг кўпчилиги моддий-техника таъминоти билан мустаҳкамланмади. Газ конларидан фойдаланиб, газофикация қилиш учун мўлжалланган тадбир ҳам шу аҳволда турибди. Ва Госплан, на республика Министрлар Совети, на «Средазнефть» бирлашмаси бу иш билан тузук шуғулланаётирлар.

Илгари иттифоқ қарамоғида бўлган бир қанча корхоналар Ўзбекистон ихтиёрига топширилганлиги сабабли республика министрликларининг жавобгарлиги анча ортди. Аммо баъзи министрликлар ишлаб чиқаришга пухта раҳбарлик қилмаётирлар. Чунончи, пахта тозалаш саноати учун запас деталлар ишлаб чиқарувчи «Коммунар» заводи Тўқимачилик саноати министрлиги қарамоғига топширилган эди. Лекин министрлик бу корхонага камайтирилган планлар бермоқда, заводни материал-техника билан таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётир. «Автотрактородеталь» заводининг ҳам нималар ишлаб чиқариши қатъий равишда белгилаб қўйилган эмас, бунга республика Қишлоқ хўжалик министрлиги эйлидир.

Ўртоқ Қурбонов Ўзбекистон ССР Министрлар Советини жойларда кўтарилаётган масалаларни суст ҳал қилаётганлиги учун танқид қилди.

— Яқинда бизнинг область ташкилотларимиз социал-маданий муассасалар қуриш тўғрисидаги таклифларни республика Министрлар Советига юборган эдилар. Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ўртоқ Султонов бу таклифни синчиклаб кўриб чиқиш ўрнига бу ҳатнинг копиясини унинг устига ёзилган резолюция билан бирга қўшиб. . . область партия комитетининг ўзига юборган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ўртоқ **Сеитов** бир қанча мисоллар келтириб, саноатни бошқариш ишига фақат шу саноат бошқармаси нуқтаий назаридан қараш қандай оқибатларга олиб келганлигини кўрсатиб берди. Чунончи, Ўзбекистонда электрлаштириш масалалари билан 4 та иттифоқ ташкилоти, иккита республика ташкилоти ва Министрлар Совети ҳузуридаги махсус бошқарма шуғулланади, электростанцияларни ишлатиш билан «Ўзбекэнерго», СССР Электростанциялар министрлиги ва бошқа баъзи органлар шуғулланади. Шу ташкилотларнинг ҳаммаси бир-бири билан боғланмай, ўзича ишламоқда, уларнинг ҳеч бири энергетика базасининг аҳволини чинакам ўрганмаётир. Натижада бир қанча областлар ва районларда, айниқса Қорақалпоғистон АССРда электрлаштириш ёмон бормоқда. Ўзбекистондаги бутун энергетика базасига раҳбарлик қилишни битта марказий органга топшириб қўйиш пайти келди.

Ўртоқ Сеитов маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси тўғрисида гапириб, уларнинг ишида параллелизм борлигини, бунинг натижасида аппаратни сақлашга ортиқча маблағ сарф бўлаётганлигини кўрсатиб ўтди. Бунинг оқибатида ҳатто кулгили воқиалар ҳам рўй бермоқда. Самарқанд областининг Огалик қишлоғида Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлиги билан Ўзпромсоветнинг охак ҳумдонлари бор. Бу корхоналар бир-бирига шунчалик яқин жойлашганки, кўпинча уларнинг раҳбарлари қайси ҳумдон қайси корхонаники эканлигини адаштириб қўймоқдалар. Яна бир мисол: Андижонда промкомбинат билан «Янги турмуш» артелининг иккита ғишт заводи бор, буларнинг ораси атиги 50 метр. Ҳар қайси заводнинг тахминан 10 кишидан иборат маъмурий бошқарув ходимлари бор. Аммо, иккала ғишт заводи йилига 7 миллион донага етар-етмас ғишт чиқаради! Буни изоҳлаб ўлтириш ҳам даркор бўлмаса керак.

Саноат учун кадрлар тайёрлашда ҳам параллелизм бор. Масалан, Енгил саноат министрлиги, Маҳаллий ва ёқилғи саноат министрлиги, Ўзпромсовет профтехника мактабида ва махсус курсларда тикувчи ишчилар тайёрламоқда. Ҳолбуки, иш манфаатлари нуқтаий назаридан қараганда шу кадрларни бир жойда тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

— Энг катта камчилик шуки, деб давом қилди Ўртоқ Сеитов, — баъзи республика органлари ўзларига қарашли корхоналардан ажралиб қолганлар. Балиқчилик саноати Бош бошқармаси Тошкентда жойлашган, аммо балиқ овланадиган асосий жойлар ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг ҳаммаси Қорақалпоғистон АССРдаги Мўйноқдадир. Балиқчилик саноати Бош бошқармаси 1000 километрдан кўпроқ узоқликда бўлиб, ўз корхоналарига қайтариқа оператив раҳбарлик қилаётганлиги ўз-ўзидан маълум!

Ўртоқ Сеитов дедики, балиқчилик саноати Бош бошқармасини Мўйноққа кўчириш билан бир қаторда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг балиқ саноатининг аҳволи учун бўлган жавобгарлигини ҳам ошириш керак.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент обкомининг секретари Ўртоқ **Нуритдинов** уқдириб айтдики, республикадаги бутун саноат ишлаб чиқаришнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ва капитал қурилиш объектларининг ярмиси Тошкент областида жойлашган. Шунинг учун ҳаддан ташқари марказлаштиришнинг, бошқармачиликнинг ва министрликларнинг корхоналардан ажралиб қолганлигининг хунук оқибатлари бу ерда айниқса сезилиб турибди.

Планлаштириш органлари ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларини яхши билмаганликлари сабабли ички хом ашё ва материал-ресурсларидан тўлиқ фойдаланишни ҳисобга олмаётир. Бунинг натижасида баъзан имкониятдан ошиқ планлар берилади, кўпчилик ҳолларда эса камайтирилган планлар берилади. Шунинг учун ҳам планларни тузатиш ва аниқлаш тўхтовсиз давом қила беради, бу ҳол штурмчиликни туғдиради. Тошкент областидаги асосий иттифоқ корхоналарининг ва иттифоқ—республика корхоналарининг планларига 1956 йилда 200 тадан кўпроқ ҳар хил тузатишлар киритилди.

Ўртоқ Нуритдинов планлаштиришдаги бемаънликни кўрсатувчи бир қанча фактларни келтирди. «Средазхиммаш» заводи компрессорлар ишлаб чиқаришни кейнги уч йил ичида яхши ўзлаштирди. Бироқ бу йил Машинасозлик министрлиги «Средазхиммаш» заводига компрессорлар ишлаб чиқаришни топширмади. Кейин билсак, министрлик Краснодарда компрессорлар ишлаб чиқара бошлапти. «Средазхиммаш» заводидаги ускуналар Краснодарга жўнатилди, бунинг учун ҳам давлатнинг миллионлаб сўм пули сарф бўлди. Мана шунинг ўзи хўжасизлик, исрофгарчилик эмасми, ахир! Агар министрлик ўйлаб иш қилганида эди янги корхона қуришга бунчалик кўп маблағ сарфламасдан, анча озроқ маблағ билан «Средазхиммаш» заводини реконструкция қилиш ва керакли миқдорда компрессорлар чиқаришни таъминлаш мумкин эди.

Ўртоқ Нуритдинов ишлаб чиқаришни кооперативлаштириш ва ихтисослаштириш тўғрисида гапириб, дедики, гарчи бу ҳақда йиғилишларда, кенгашларда кўп гапирилган бўлса ҳам, аммо бу ишнинг жойидан жилгани кўринмай турибди. Ҳаддан ташқари марказлаштирилганлик ва министрликларнинг тор бошқармачилик нуқтаий назаридан қараётганлиги энг муҳим вазифаларни ҳал қилиш ва яхшилашга тўсқинлик қилмоқда. Поковкаларни, чўян ва пўлат қуйилмаларини ишлаб чиқаришни, металл буюмлар ва корхоналар учун зарур бошқа ярим фабрикатларни ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш шу вақтгача йўлга қўйилгани йўқ.

Ўртоқ Нуритдинов пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга тўхталиб, колхозлар ва совхозларда суғориладиган майдонларни кенгайтириш топшириқлари систематик равишда бажарилмай келаётганлигини кўрсатиб ўтди. Бунга маҳаллий партия ва совет органлари айблидир. Лекин Қишлоқ хўжалик министрлиги, Сув хўжалиги министрлиги, Совхозлар министрлиги ўртасидаги келишмовчилик орқасида ҳам ишга анча зарар етмоқда.

Ўзсовпроф раиси ўртоқ **Хўжаев** ишлаб чиқаришни бошқаришда касаба союзларнинг роли ошганлигини айтиб ўтди. КПСС XX съездидан кейин кўпгина касаба союз ташкилотларининг иши бир мунча яхшиланди. Бироқ улар раҳбарлик услубини ҳали ҳам тузук қайта қураётганлари йўқ, Ўзсовпроф ва бошқа раҳбар касаба союз органлари ишлаб чиқариш экономикасини тузук ўрганмаётирлар, социалистик мусобақани авж олдиришда, илғорлар тажрибасини пропаганда қилишда яхши ташаббус кўрсатмаётирлар, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида етарлик равишда ғамхўрлик қилмаётирлар.

Ўртоқ Хўжаев айниқса пахта тозалаш саноатидаги планлаштириш соҳасида, шунингдек меҳнат ва иш ҳақини нормалаштириш соҳасида бўлган катта камчиликларга эътиборни жалб қилди. Кўпгина корхоналарда, шу жумладан пахта тозалаш заводларида ва пахта тайёрлаш пунктларида меҳнатни кўп талаб қиладиган ишлар тузук механизациялаштирилмаётир. Масалан, Наманган областидаги пахта тозалаш саноати корхоналарида механизация воситаларидан фақат 18 процент фойдаланилмоқда.

Кўп жойларда меҳнат шароитини яхшилашга, меҳнатни муҳофаза қилишга, техника хавфсизлигига яхши эътибор берилмаётир. Республика корхоналарининг кўпчилигида касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқариш кенгашларига эътибор бермаётирлар, бундай кенгашларни мунтазам равишда чақирмаётирлар, кўпинча ишлаб чиқариш кенгашлари ишчилар актив иштирок қилмаган ҳолда шошма-шошарлик билан ўтказилмоқда.

Ўртоқ Хўжаев уй-жой қурилиши плани қониқарсиз бажарилаётганлигини кўрсатиб, меҳнаткашларнинг ўз кучлари билан уй-жой бинолари қуриш соҳасида Горький шаҳри ишчиларининг тажрибасини республикамизда татбиқ ҳам кенгроқ ейиш зарурлигини уқдириб ўтди.

Самарқанд область ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Ортиқов** сўзга чиқиб, дедики, республикада маҳаллий Советларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш учун ҳали кам иш қилинди. Ҳақиқатда эса, ҳозир ҳам область ижроия комитети ҳатто маҳаллий саноат корхоналарини планлаштириш масалаларини ўзи мустақил ҳал қилолмайди. Министрлар Совети маҳаллий корхоналарни область, шаҳар ва район ижроия комитетларига топширишда сусткашлик қилмоқда.

Сўнгра Ўртоқ Ортиқов Самарқанд областидаги капитал қурилишларини моддий-техника воситалари билан таъминлашни кескин равишда яхшилаш зарурлиги ҳақида гапирди.

— Ўзбекистон Госплани деди Ўртоқ Ортиқов, — маҳаллий план органларидан ажралиб қолган, улар билан яқин алоқа боғлаб ишламаётир.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат моллари саноати министри Ўртоқ **Хўжаев** озиқ-овқат саноатини мисолга олиб, ишлаб чиқаришни бошқаришни қайта ташкил қилиш ва илмий-текшириш ишларини корхоналарга яқинлаштиришнинг аҳамияти нақадар катта эканлигини кўрсатиб берди. Масалан, ёғ ва мой саноатининг илмий-текшириш институти Ленинградда жойлашган. Аммо саноатнинг шу тармоғига қарашли корхоналар асосан Ўрта Осиё республикаларида, айниқса Ўзбекистонда, Украинада, Краснодар ўлкасида жойлашган. Яна бир мисол: Фарғона ёғ комбинатининг слесари ўртоқ Коровин чигитни ғарамлаб қўйдиган ва ишлаб чиқаришга бериб турадиган машина ихтиро қилган эди. Бу машина конструкцияси маъқулланганидан кейин СССР Озиқ-овқат моллари саноати министрлиги уни ишлаб чиқаришни Курск областидаги заводга топширди, вақоланки бу машинани Тошкентдаги машинасозлик заводларидан бирортаси бемалол ишлаб чиқара олар эди. Иш шу даражага бориб етдики, Коровин ихтиро қилган машинани ишлаб чиқаришда қатнашаётган мутахассисларга кўрсатмоқ учун биздан чигит юборишни илтимос қилдилар, чунки ўша мутахассислар чигитни кўрмаган эканлар!

Ўртоқ Хўжаев Озиқ-овқат моллари саноати министрлигига, Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати министрлигига, Балиқ саноати бош бошқармасига қарашли корхоналарнинг ҳаммасини бошқаришни битта органда бирлаштиришни тўғри деб ҳисоблайди. Озиқ-овқат саноати маҳсулотини реализация қилиш системасини тартибга солишни, бунинг учун сони кўпайиб кетган, кераксиз конторалларни тугатишни таклиф қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президенти ўртоқ **Абдуллаев** КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини амалга оширишда илмий муассасаларнинг роли ошганлигини айтиб ўтди. Гап шундаки, илмий текшириш институтларини ва уларнинг кадрларини ишлаб чиқаришга, иқтисодий районларга мумкин қадар яқинлаштириш керак. Илмий ва техника тараққиётининг муваффақиятларини республикадаги ишлаб чиқарувчи кучларни ҳар томонлама ривожлантириш манфаатларига хизмат қилдириш лозим. Шуни ҳисобга олиб ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг илмий муассасалари қайта ташкил қилинмоқда. Лекин буни ҳам етарлик деб бўлмайди. Бу соҳадаги ишни қунт билан давом эттириш зарур. Бошқармачилик тўсиқларини олиб ташлаш ҳом ашёлардан, турли фойдали қазилмалар чиқадиган жойлардан, илмий муваффақиятлардан тўла равишда, комплекс тарзда фойдаланишга тағин ҳам кенг йўл очади.

Ўртоқ Абдуллаев олимларнинг саноат корхоналаридаги илмий лабораториялар билан алоқасини мустаҳкамлаш ғоят аҳамиятли иш эканлигини уқдириб ўтди. Ҳозир, янги шароитда бир қанча заводларнинг лабораторияларини Фанлар академиясига тажриба тариқасида бўйсундириш зарур бўлиб қолди. Шундай қилганда академия институтларининг йирик олимлари лабораторияларга бошчилик қиладиган бўладилар. Бу эса лабораторияларнинг моддий-техника базасидан тўлиқ фойдаланишга, кенг равишда ва дадиллик билан эксперименталр ўтказишга имкон беради.

Ўртоқ Абдуллаев саноат узелларини комплекс ривожлантиришнинг перспективаларини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида гапириб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономистларининг ва айниқса экономика институтининг ролини кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министри ўртоқ **Стрельцов** ўз нутқини автомобиль транспортидан фойдаланишни яхшилашнинг энг зарур вазифаларига бағишлади. Республикада идораларга қарашли автотранспорт шу вақтгача минглаб кичкина автомобиль хўжаликларида самарасиз ишлатиб келинмоқда, идораларга қарашли транспорт билан юк ташиш умум фойдаланиладиган автотранспортда юк ташишга қараганда анча қимматга тушмоқда. Иш манфаатлари автомобиль хўжалигини мустаҳкамлашни талаб этади. Республика транспорти учун мустаҳкам ремонт базаси барпо қилиш ҳам аҳамиятли масаладир. Бу масалани ҳал қилиш пайти келди.

Ўртоқ Стрельцов Ўзбекистон ССР Давлат контроли министрлигининг фаолиятидаги нотўғри услуб ва методларни танқид қилади. Министрлик томонидан давлат муассасаларини, корхоналарни текшириш ишлари кўпинча юзаки, бир ёқлама ўтказилади. Давлат контроли министрлиги илмий ходимларни, ишлаб чиқариш новаторларини ўзининг текшириш ишларига кенг жалб қилиши керак.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министри ўртоқ **Иброҳимов** дедики, республикадаги барча қурилиш ташкилотларини бирлаштириш бинокорлик механизмлари, ускуналар ва транспорт воситаларидан яхшироқ фойдаланишга имкон беради. Республикада қурилишнинг кенгайиб бораётганлиги айниқса қамиш, ганч ва бошқа шулар сингари маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган мустаҳкам база яратиш заруриятини туғдирмоқда.

Ўртоқ Иброҳимов меҳнат резервлари билим юртларида юқори малакали бинокор кадрлар тайёрлаш формаларини такомиллаштириш зарур деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ **Рудин** Ўзбекистон шароитида саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш масалаларига тўхталиб ўтди. У таъкидлаб айтдики, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга ва барча саноат корхоналарининг ишларини яхшилашга энг кўп қулайлик келтирадиган, капитал қурилишни кенг авж олдиришни таъминлайдиган бошқарув структурасини пухта ўйлаб чиқиш зарур. Шу нуқтаий назардан қараганда саноатга, қурилишга ва транспортга раҳбарликни битта органга тўплаш ва бу органда иттифоқ, иттифоқ-республика ва республика қарамоғидаги ихтисослаштирилган ҳамма корхоналарга бевосита раҳбарлик қиладиган тегишли бошқармалар тузиш тўғрисидаги таклиф катта эътиборга сазовордир.

Янги бошқарув структураси ҳеч шубҳасиз бошқармачилик майилларини енгишга ёрдам беради, чунки ҳозирги вақтда бундай майиллар жуда сезилиб турибди.

Ўртоқ Рудин энергетика қувватларидан тўғри, энг оқилона фойдаланишга ҳалақит бераётган ва мустаҳкам ўрнашиб олган бошқармачилик тўсиқларининг зарарли эканлигини кўрсатувчи фактларни айтиб берди. Масалан, Каттақўрғон ёғ-экстракт заводи ҳузурида кичикроқ теплоэлектроцентрал бор, лекин бу электростанциянинг қувватидан бошқа министрликларнинг корхоналари фойдаланади. Бу станциянинг қувватини кенгайтириш билан қайси министрлик шуғулланиши лозимлиги ҳақида министрликлар ўртасида тинимсиз тортишув бўлиб келмоқда. Ниҳоят бу электростанцияни «Ўзбекэнерго» системасига ўтказилсин деган таклиф туғилди. Лекин бу бошқарма ҳам шу таклифни қўллаб-қувватламади. Бошқармалар ўртасидаги тортишув давом қилмоқда, аммо давлат манфаатларига бунинг катта зарари етмоқда.

Геология хизмати бошқармаларнинг бир-биридан ажралиб ишлаётганлигини ва параллелизмнинг зарарини кўрсатувчи энг характерли мисолдир. Иттифоқда геология ва ер ости бойликларини асраш министрлиги борлигига қарамай, бошқа кўпгина министрликларда ихтисослаштирилган геология ташкилотлари деб аталган ва параллель ишлаётган жуда кўп ташкилотлар бор. Бундай ташкилотлар бизнинг республикамизда ҳам кўп. Уларнинг ҳаммаси бир-бирлари билан сира боғланмай, министрликлар ва бошқармаларнинг ўзлари тузиб берган планлар асосида ишламоқдалар. Бу ташкилотлар бир-бирларидан ажралган ҳолда ишламоқдалар ва уларнинг ишини ҳеч ким мувофиқлаштириб тураётгани йўқ. Мутлақо равшандирки, битта яхлит геология бошқармаси тузиш республиканинг табиий бойликларини тез топишга ва бу бойликлардан тез фойдаланишга таъсир қилади. Оҳангарон—Олмалиқ кон—саноат районини комплекс равишда ўзлаштириш вазифасини геологларнинг кучларини бирлаштириш йўли билан тезроқ амалга ошириш мумкин.

Ўртоқ Рудин саноатни бошқаришнинг қайта ташкил қилиниши раҳбарликни бевосита ишлаб чиқаришга яқинлаштиришга ҳалақит бериб турган ўрталиқ звеноларни туғатишга ёрдам беради, деб таъкидлади.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари Ўртоқ **Маҳмудов** саноатнинг ишини ва капитал қурилишнинг аҳволини анализ қилиб айтдики, ҳалқ хўжалигига қилинаётган раҳбарликнинг ҳозирги формасини бутунлай такомиллаштириш керак. Қорақалпоғистонда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши анча ўсган бўлса ҳам, лекин бу ўсиш юксак талабларга ҳали ҳам жавоб бераркик даражада эмас. Бошқармалар ўртасидаги англашилмовчилик ва малакали раҳбарликнинг бўлмаганлиги натижасида кўп корхоналарда резервлардан ёмон фойдаланилмоқда, меҳнат унумдорлиги пасайиб кетган, чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи ошиқ. Пахта тозалаш саноати, ёғ саноати сингари етакчи саноат тармоқлари техника жиҳатидан яхши қуроллангани эмас. Аммо Тўқимачилик саноати министрлиги ҳам, Озиқ-овқат саноати министрлиги

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Фарғона область партия комитетининг секретари Ўртоқ **Скоробогатов** область саноати ўсиб бораётганлиги ва республикада ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан Фарғона области иккинчи ўринда турганлиги ҳақида гапирди. Ўтган йил умуман область саноати йиллик планни ошириб бажарди. Лекин ўнлаб корхоналар давлат топшириқларини уддалай олмадилар. Капитал қурилиш, айниқса уй-жой қурилиши яхши авж олдирилмаётир.

Бир қанча корхоналар ва қурилишларнинг орқада қолаётганлигига асосий сабаблардан бири шуки, улар материаллар, хом ашё, ёқилғи билан ўз вақтида таъминланмаётир ва уларга пул маблағлари қониқарсиз берилмоқда.

Лекин планлаштиришнинг ёмон олиб борилаётганлиги жуда ҳам ишнинг белига тепмоқда. Кўпчилик корхоналарда йиллик планлар кўп марталаб ўзгартирилади. Тўртинчи чоракда ўтган учун энг катта топшириқ бериш одат бўлиб қолди. Натижада йил охирига бориб ишга туширилмоқчи бўлган янги корхоналарда катта қийинчиликлар туғилмоқда.

Республиканинг бир қанча министрликларида планлаштириш ишида чалкашлик кўп. Чунончи, Тўқимачилик саноати министрлиги одатда планлаштирилмаган маҳсулотни бериш тўғрисида корхоналарга нарядлар юборади. Планга мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса омборларда уйилиб ётаберади. Шу сабабли Фарғона тўқимачилик комбинатида миллионларча сўмлик маҳсулот уйилиб ётибди. Натижада бу корхона молия жиҳатидан оғир аҳволга тушиб қолди.

Корхоналарни материаллар билан таъминлашда ҳам тартибсизлик кўп. Шундай бемаъниликлар ҳам бўлмоқдаки, Фарғона областида Қувасой цемент заводи бўла туриб, Фарғонанинг қурилиш ташкилотлари цементни Волсқдан, Қарағандадан ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан олмоқдалар. Қувасой цемент заводи ҳатто ўз эҳтиёжлари учун ҳам цементни бошқа шаҳарлардан келтирмоқда!

Фарғона нефть маҳсулотлари ишлаш заводини қуриш ишларининг бориши ҳам планлаштиришдаги чатоқликни кўрсатувчи далилдир. Нефть саноати министрлиги бу қурилиш учун ҳар йил 40-50 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган даражада пул ажратмоқда, ваҳоланки, ҳар йил 100 миллион сўмни ўзлаштирмоқ учун бутун шарт-шароит бор. Нефть маҳсулотлари заводини қуриш кечикиб кетмоқда, келтирилган ускуналар эса эскириб қолмоқда. Бу эса проектларни янги ускуналар ўрнатишни ҳисобга олиб, қайта-қайта ўзгартиришга мажбур қилмоқда.

Саноатга раҳбарликни фақат республика миқёсида эмас, жойларда ҳам қайта қуриш керак. Маҳаллий ташкилотларга кўпроқ ҳуқуқ бериш, план органларини мустаҳкамлаш зарур.

Ўртоқ Скоробогатов областнинг кўкламги экишга тайёргарлик соҳасида анча орқада қолаётганлигини кўрсатиб, бўз ерларни ўзлаштириш масалаларига тўхталиб ўтди. Бу ишнинг аҳамияти жуда катта эканлигига қарамай, бўз ерларни ўзлаштириш топшириқлари йил сайин бажарилмай келаётир. Бунинг сабаби шуки, ер текислайдиган машиналар етишмайди. Бу машиналарни кўплаб чиқариш керак, чунки, бу машиналар бўз ерларни ўзлаштираётган колхозчиларнинг меҳнатини енгиллаштиришга имкон беради. Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети МТСларни ер текислайдиган машиналар билан тўла таъминлаш имкониятларини ўрганиб чиқишлари керак.

Ўртоқ Скоробогатов Марказий Фарғонани комплекс равишда ўзлаштиришнинг энг зарур масалаларини ҳал қилишда сусткашлик қилинаётганлиги учун Ўзбекистон КП Марказий Комитетини ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советини танқид қилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар Комитетининг секретари Ўртоқ **Гуломов** сўзга чиқиб айтдики, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги структурасини жорий қилиш вақтида корхоналар билан бош бошқармалар ўртасида ўрталик звеноларни тузилишига йўл қўймаслик керак. Корхоналарнинг раҳбарлари ишлаб чиқаришни ташкил этишга доир ҳамма масалаларни мустақил ҳал қиладиган бўлишлари учун уларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш тадбирларини кўриш зарур. Майда қурилиш ташкилотларини дадиллик билан йириклаштириш керак. Жумладан, ҳозирги вақтда алоҳида-алоҳида ишлаётган бир қанча қурилиш ва монтаж бошқармаларини «Главташкентстрой» составига киритиб қўйиш керак. Майда проектлаш ва конструкторлик конторларини бирлаштириб, шу базада бақувват проектлаш — конструкторлик маркази тузиш лозим.

— Саноат ва қурилишга раҳбарликни қайта қуриш деди, Ўртоқ Гуломов, партия ташкилотларининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги ролини оширишни, уларнинг ижодий ташаббускорлигини ҳар томонлама ривожлантиришни талаб қилади.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорлари бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилинаётганида партия комитетларининг фаолиятини тубдан қайта қуриш тўғрисида таклифлар киритилмоқда. Район партия комитетларининг ҳозирги вақтдаги ташкилий структураси замонамизнинг талабларига жавоб бермайди. Жумладан, райкомларнинг аппаратларида тармоқ бўлимлари борлиги ишларнинг бўлимлардаги ходимлар ўртасида нотўғри тақсимланишига олиб келмоқда, кўпинча улар бир-бирларининг ишларини қилмоқдалар. Шу сабабли район партия комитетларидаги тармоқ бўлимларни тугатиш ва инструкторларни муайян бошланғич партия ташкилотларига бириктириб қўйиш масаласи қўйилмоқда. Бу ҳолда инструкторларнинг ишига раҳбарлик қилиб туриш райкомларнинг секретарларига юкланиши лозим.

Раҳбар партия органларининг раҳбарлик методларини яхшилаш зарур. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, область, шаҳар партия комитетларининг саноат бўлимлари бир-бирларидан ажралган ҳолда ишлаб, бир-бирларининг ишларини такрорламоқдалар, кўпинча бир-бирлари билан келишиб ҳаракат қилмаётирлар.

Ўртоқ Гуломов дедики, айрим раҳбар ходимлар корхоналарга аҳёнаҳёнда борадилар. Корхоналарнинг ишини чуқур ўрганмайдилар, у ердаги ҳақиқий аҳволни билмайдилар, масалаларни аслини олганда бюрократларча ҳал қиладилар. Айниқса Госпланнинг раҳбар ходимлари Каграмонов, Алиев, Тожиев, Харковский ва бошқа ўртоқлар шундай қилмоқдалар. Ҳақиқий аҳволни билмаслик корхоналарнинг ишига таъсир қилади. Чунончи, шаҳар заводларида пайвандлаш ишларини бажармоқ учун кўп миқдорда электрод керак, лекин корхоналар электрод билан таъминланмаётир. Шу сабабли ҳар қайси завод ўзига керакли электродни ўзи тайёрлаб олмоқда ва бунга кустарчилик усули билан бажармоқда. Қуювчилик хўжалигини йириклаштириш ва ихтисослаштириш масаласи ҳам секин ҳал қилинмоқда. Темирчилик, пресслаш цехларида меҳнат жуда кўп сарф бўлмоқда. Масалан, ҳар тонна паковка ва штамповкага мамлакатнинг ихтисослаштирилган заводларида 10 норма соат сарф бўлаётгани ҳолда Тошкент экскаватор заводида 70 норма соат, «Ташсельмаш» ва «Таштекстильмаш» заводларида бундан ҳам кўпроқ норма соат сарф бўлмоқда.

Бир-бирига ўхшаш майда корхоналар Тошкентда кўп, шу корхоналарни бирлаштириш тўғрисида республика органларига неча марталаб таклиф киритилди. Лекин бу муҳим таклифлар кўрилмасдан қолиб кетмоқда.

Бинокорлик материаллари билан таъминлаш етарлик бўлмаётганлиги қурилиш суръатларини, айниқса уйжой бинолари қурилиши суръатларини тезлаштиришга ҳалақит бермоқда. Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ва министр ўртоқ Йўлдошев ёмон ишлаётганликлари учун, бир неча марта қаттиқ танқид қилинган эдилар, лекин улар бу танқидларга қулоқ солмаётирлар. Министрлик раҳбарлари ишлаб чиқаришнинг прогрессив методларини, меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни машиналаштиришни жорий қилишга, иморатларни пардозлашга кетадиган материалларни ишлаб чиқаришга консерваторларча қарамоқдалар. Бинокорлик материаллари саноати корхоналарида пардоз плиталар ишлаб чиқариш айниқса қониқарсиз ўзлаштирилмоқда. Чунончи Германия Демократик Республикаси корхоналарида плита ишлаб чиқариш ва уни Тошкент шаҳрига ташиб келтириш Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги корхоналари ишлаб чиқараётган плиталарга нисбатан анча арзон тушади.

Бухоро область партия комитетининг секретари Ўртоқ **Веселов**, Тўқимачилик саноати, Енгил саноат министрликларини корхоналардан ажралиб қолганликлари ва ишлаб чиқаришни нотўғри планлаштираётганликлари учун танқид қилди.

Ўтган йил Тўқимачилик саноати министрлиги Бухоро область пахта тайёрлаш трести заводларига юборилган плани бажариш учун етарлик материаллар билан таъминламади. Енгил саноат министрлиги Бухородаги «XVI партсъезд» тикув фабрикаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг хилини 60 марта ўзгартирди. Бу йил ҳам аҳвол яхши эмас. Бу эса ускуналар ва ишчиларнинг беқор туриб қолишига сабаб бўлади.

Ўртоқ Веселов капитал қурилишдаги камчиликларга тўхталиб айтдики, маҳаллий партия ва совет органлари қурилиш ташкилотларига тузук раҳбарлик қилмаётирлар. Қурилишларда меҳнат яхши ташкил қилинмаган, индустриал методлар жорий қилинмаётир. Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигининг ходимлари гарчи қурилишларга бораётган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг боришидан фойда чиқмаётир, улар қурилиш ташкилотларига реал ёрдам бермаётирлар.

Бухоро областида, — деди Ўртоқ Веселов, — қоракўл қўйлари кўп. Бироқ, қоракўлчиликни янада ривожлантирмоқ учун қўйларни емхашак билан таъминлаш керак. Лекин биз бу ишда қийинчиликка учрамоқдамиз. Чорвачилик илмий-текшириш институти ва Қишлоқ хўжалик министрлиги молларга озуқа бўладиган йўғон поялик ўтларни ўриб берадиган машина яратиб бериши керак.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри Ўртоқ **Кўконбоев** ишлаб чиқаришни, жумладан пойафзал корхоналарида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш вазифаларига тўхталди. Бу корхоналарни астарбоп теҳлар билан таъминлашни яхшилаш, моддий-техника базасини кенгайтириш зарур.

Ҳозирги ҳаддан ташқари марказлаштириш пойафзал саноатининг ишига шу вақтгача ёмон таъсир кўрсатиб келмоқда. Кейинги йилларда корхоналарда пахта толасидан сунъий тери ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг учун асосий хом ашё бўлган пахта толаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётганига қарамай, сунъий тери ишлаб чиқарадиган корхоналар нима учундир Украинада ва Москва областида қурилди. Ўзбекистонда сунъий тери заводи қуриш тўғрисидаги таклиф бир неча йилдан бери муҳокама қилинмоқда. Лекин енгил саноат эҳтиёжлари учун керакли материаллар, жумладан майда ғоввоки ғалчарм учун резина аралашмаси, калава ип ва бошқа шулар сингари материаллар шу вақтгача бошқа республикалардан келтирилмоқда. Ваҳоланки шу материалларни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш учун имкониятлар бор.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри Ўртоқ **Муҳаммаджонов** кўкламги экишга тайёргарлик ишида жиддий камчиликлар борлигини кўрсатиб ўтди. 10 мартгача республика колхозларида экин майдонларининг ҳайдалмаган қисми 37 процентни ташкил эткан. Шўр ерларни ювиш, маҳаллий ўғитларни тайёрлаб далага чиқариб қўйиш кечикиб кетмоқда. Тракторларнинг анчагина қисми ремонтдан чиққани йўқ. Тупроқнинг нами кам бўлган бу йилги кўклам шароитида тупроқда намни сақлаш ва янада кўпайтириш тадбирлари кўрилмаётир. Ерларни барвақт бороналаб қўйиш ишлари ўтказилмаётир. Тупроқнинг қуриб қолиши сингари фактлар кўпайиб кетди. Запас сув бериш яхши ташкил қилинмаган. Маълумки, айниқса чигитни квадрат-уялаб экиш кенг жорий қилинаётган шароитда далаларни текислаш ҳосилдорликни оширишнинг катта резервидир. Лекин МТСлардаги ер текислайдиган машиналардан тўлиқ фойдаланилмаётир. Бир қанча областлар ва районлар ерни кузда шудгор қилиб қўйиш планини бажармаганликлари сабабли айниқса Фарғона, Самарқанд, Хоразм областларида кўп ерларни кўкламда ҳайдашга тўғри келади. Бу эса ҳайдов тракторларининг кечаю-кундуз тинмай ишлашини ташкил этишга алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Режа сими тортиб чигит экишга тайёргарлик қониқарли боомаётир.

Кўкламги экишга тайёргарлик соҳасида ҳозиргача рўй берган аҳвол аввало шунинг натижаси бўлдики, деди Ўртоқ Муҳаммаджонов, — Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари қониқарли ишламадилар. Маҳаллий партия ва совет органлари МТС ишларини етарлик равишда контроль қилмаётирлар.

Ўртоқ Муҳаммаджонов Қишлоқ хўжалик министрлигининг аппаратини мумкин қадар соддалаштириш мақсадида бу аппарат структурасини қайтадан кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблайди.

* * *

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

* * *

Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министрининг ўринбосари Ўртоқ Алексей Петрович **Глухов** туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан ҳамда кўп йиллар давомида ва самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар Фрунзе район комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Валентина Степановна **Степовая** туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан ҳамда кўп йиллар давомида ва самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Пенсия олувчи ўртоқ Павел Григорьевич **Гайсинский** туғилган кунига 75 йил тўлиши муносабати билан, кўп йиллар давомида ва самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

КЕЧА СЕССИЯДА

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

1956 йилда пахта етиштиришнинг анча кўпайганлиги ва пахта тайёрлаш планининг муддатидан илгари бажарилганлиги республика меҳнаткашларининг ишидаги жуда муҳим натижалардан бўлди. Янги луб экинлари, дон, сабзавот, полиз экинлари, мевалар ва узум, сут, тухум, жун, қоракўл тери, пилла тайёрлаш планлари бажарилди ва уларни етиштириш анча кўпайтирилди. Шу 1956 йилда Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш соҳасидаги ишлар кенгайтириб юборилди. Колхозларнинг пул даромадлари 1955 йилдагига нисбатан тахминан 3 миллиард сўм кўпайди ва 10,5 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Ноғиқ 1956 йилнинг капитал қурилиши ва товар оборот соҳасидаги якунлари, меҳнаткашларнинг маданий даражаси ва моддий фаровонлигининг ўсиш натижаларига тўхталиб, сўнгра 1957 йилда Ўзбекистон ССР хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш вазифаларига тўхталади.

1957 йилда Ўзбекистонда хўжалик ривожланиши ва маданий қурилиш ишлари КПСС XX съездининг қарорларини янада амалга оширишга қаратилади. Шунга мувофиқ, планда республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини оғир саноатни устун даражада ривожлантириш асосида ўстиришни таъминлашга асосий эътибор берилди.

1957 йилда 3126 минг тонна кўмир, шу жумладан Оҳангарон кўмир конида 3108 минг тонна кўмир қазиб чиқариш белгиланди. Бундан ташқари, маҳаллий ёқилғи саноатининг шахталарида 70 минг тонна кўмир қазиб чиқарилади. Кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш 1956 йилдагига нисбатан 11 процентни ташкил этади. Кўмир чиқаришнинг анча кўпайишига қарамай, ёқилғини қаттиқ тежаб сарф қилиш муҳим вазифа бўлиб қолаётир. 6-сон — «Подземгаз» станциясини қуриш ишлари давом эттирилади. 1957 йилда нефть чиқариш 8 процент ошади. Табиий газ чиқариш 85 миллион кубометрни ташкил этади. Бухоро ва Қашқадарё областларининг районларида разведка парма-лаши ҳамда нефть ва газ запасларини аниқлаш соҳасида республика геологлари олдида катта вазифалар турибди.

Пўлат эритиш бир неча юз минг тоннагача ортади. Рангли ва камёб металлар чиқариш, химия ўғитлари, гидролиз спирти, лак, бўёқ ва бошқа химикатлар чиқариш кўпаяди.

Электр қуввати ишлаб чиқариш анча ортади. Янги қувватлар — Оҳангарон ГРЭСи ва Қайроққум ГЭСи ишга туширилади. Электр қуввати ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбир саноат корхоналарини ва маиший эҳтиёжни электр қуввати билан таъминлашни яхшилаш имкониятини беради. Лекин республиканинг энергео хўжалиги ҳали ҳам орқада қолиб келмоқда. Ана шунинг учун ҳам бу йил Оҳангарон ва Тахётош теплоэлектростанциялари, Ертешар, Учқўрғон ва Хишров ГЭСларини қуриш давом эттирилади.

Планда халқ хўжалиги барча тармоқларининг техника прогрессининг асоси бўлган машинасозликни янада ривожлантириш кўзда тутилади.

«Ташсельмаш» заводида чопиқ қиладиган «ДТ-24-3» тракторларининг чиқарилиши республика ҳаётида катта воқиа бўлади. Бу — пахтачиликни комплекс равишда механизациялашга тугаллаш йўлида қўйилган катта қадам бўлади. Бу йил ана шу тракторлардан 3.000 та, 1958 йилда эса 6.000 дона чиқариш мўлжалланди.

«Ташавтомаш» заводида 1957 йилда автоприцеплар, кейинги йилларда эса автомашиналар чиқарила бошланади. Республика саноати экскаваторлар, ерқазиш машиналари, дизеллар, компрессорлар, химия ва радиотехника ускуналари, электр кабиллар ва бошқа буюмлар чиқаришни анча кўпайтиради. Бу йил республика машинасозлик корхоналарини мамлакатдаги бошқа заводлар билан кооперативлаштиришни тартибга солиш юзасидан катта ишлар қилиниши керак.

1957 йилда бинокорлик материаллари чиқариш 1956 йилдагига нисбатан қуйидагича кўпайтирилиши мўлжалланди: цемент 39 минг тонна ёки 8 процент, ғишт 74 миллион дона ёки 13 процент, черепица — 33 процент, шифер — 16 процент, республикада йирма темирбетон қурилиш конструкциялари ва деталлар ишлаб чиқариш 2,5 баравар кўпаяди ва 180 минг кубометрни ташкил этади.

1957 йилда бир қанча цемент заводлари реконструкция қилиниб бўлади ва уларнинг қуввати оширилади. Ғишт саноатининг қуввати ҳам оширилади.

Капитал қурилиш планларининг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан бинокорлик материаллари саноатининг ишига боғлиқдир. Шунинг учун қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишидаги қолоқликни тугатиш ва 1957 йил учун белгиланган топшириқларнинг тўла ва ошириб бажарилиши учун ҳамма чораларни кўриш керак.

Планда тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларини янада ривожлантириш белгиланади. Пахта толаси ишлаб чиқариш 72 минг тонна ёки 1956 йилдагига нисбатан 9,5 процент кўпайтирилади ва 944,8 минг тоннани ташкил этади. 205 миллион метр ип газлама, 13 миллион метр шойи газлама, 231 миллион галтак ип ишлаб чиқариш мўлжалланади. Ассортимент планида аҳоли томонидан кўп талаб қилинадиган маҳсулотлар — чит, сатин, поплин, шифон, маль-маль, мадеполам ва бошқа хил маҳсулотлар чиқариш кўзда тутилган. Шойи газламалар ассортиментида крепдешин, крепжоржет, трепфай ва бошқа креп товарлари, духоба, атлас, хон атлас, полотно бор.

Тикилган кийимлар ва пойафзал чиқариш кўпайтирилади ва уларнинг ассортименти кенгайтирилади.

Давлат озиқ-овқат саноати тармоқлари бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 1957 йилда 5,2 миллиард сўм миқдорида, ёки 1956 йилдагидан 8,4 процент ортиқ қилиб белгиланди. Масалан, 250 минг тонна пахта ёғи, ёки 1956 йилдагидан 18 процент кўп ишлаб чиқариш мўлжалланади. Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бир ярим баравардан ҳам зиёд кўпаяди.

Ёғ чиқишини ва уруғлик чиқишини анча кўпайтириш имкониятини берадиган ёғ-экстракт заводларини ва цехларини қуриш юзасидан катта ишлар қилиниши керак. Шулар билан бир қаторда пресслаш заводларда ёғнинг чиқишини кўпайтирмоқ учун ҳам қунт билан курашмоқ керак.

Гўшт саноатида ҳайвонларни боқиб семиртириш операциясини кенгайтиришга, боқувдаги ҳайвонларнинг вазнини оширишга, шунингдек ҳайвонларни ҳайдаб борган вақтда уларнинг нобуд бўлишини ва уларни гўшт комбинатларида ишлаш вақтида бўладиган нобудгарчиликларни тугатишга алоҳида эътибор берилиши зарур.

Республика пойтахти аҳолисини сут маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш учун Тошкентдаги янги сут комбинатини фойдаланишга топширишни тезлаштириш лозим. Турли сут маҳсулотлари чиқариш ва улар билан савдо қилиш иши республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам тездан йўлга қўйилиши керак.

Бизнинг маҳаллий ва кооператив саноатимиз ривожланишдан орқада қолмоқда. Уларнинг корхоналари ёмон ускуналанган, маҳсулотнинг сифати паст, таннархи эса жуда баланддир. Маҳаллий ва кооператив саноати маҳсулоти республика барча саноати ялпи маҳсулотининг умумий солмоғида фақат 8 процентни ташкил этади. Шунинг учун ҳам саноат комбинатлари ва ҳунармандчилик артелларининг қувватини тез суръатлар билан ошириш, ихтисослаштириш ишини янада қунт билан давом эттириш, ишлаб чиқаришни йириклаштириш, ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва арзонлаштириш зарур.

Планда мебель, гиламлар, маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга солиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи янги корхоналар очиш мўлжалланади. Мебель чиқариш 36 процент, металл кроватлар чиқариш 17 процент, чинни идишлар 20 процент, бадиий буюмлар чиқариш 20 процент кўпайтирилади. Миллий бадиий ҳунармандчилик анча ривожлантирилиши керак.

Докладчи меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини айниқса уқтириб кўрсатади. Бутун саноатда меҳнат унумдорлигини умуман 7 процент ошириш мўлжалланган. Шундай қилиб, 1957 йилда саноат маҳсулотининг 80 процентга яқин кўпайишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан, қолган 20 процент ўсишига саноатга янги ишчилар жалб қилиш ҳисобидан эришиш керак. Саноат маҳсулотининг таннархи 1956 йилга нисбатан таққослаш нархлар билан 0,15 процент, шу жумладан маҳаллий ва кооператив саноати бўйича 2,8—3 процент камайтирилади.

Хомашё ва материалларни тежаб эҳтиётлик билан сарфлаш, маҳсулот единицаси учун материал сарфлаш нормасини камайтириш, юқори сифатли маҳсулот чиқишини кўпайтириш, шунингдек нобудгарчиликни камайтириш муҳим иш ҳисобланади.

Ўртоқ Мусаҳонов қишлоқ хўжалигини ривожлантириш планлари тўғрисида гапириб, бунда асосий вазифа пахтачиликни янада юксалтириш эканлигини уқдириб ўтди.

Планга мувофиқ, 1957 йилда 2875 минг тонна пахта тайёрланиши керак. Бу планнинг реаль эканлигини кўрсатувчи энг яхши далил шуки, колхозчилар, совхоз ва машина-трактор станцияларининг ишчилари XII қурултойда ўз имкониятларини муҳокама қилиб, бу йил пахта етиштиришни 3 миллион тоннага етказишга қарор қилдилар. Бу мажбуриятни муваффақият билан бажармоқ учун пахтани квадрат-уялаб етиштиришни янада катта миқёсларда қўлланиш ҳамда барча дала ишларининг қисқа ва қулай муддатларда бажарилиши учун кенг суратда механизациялаш зарур. Шу билан бирга бунда кам ҳосилли колхозларга алоҳида эътибор берилмоғи лозим.

Чорвачиликни янада ривожлантириш юзасидан ҳам катта ва мураккаб вазифалар турибди. Колхозлар гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Бу мажбуриятни бажариш учун емхашак базасини мустаҳкамлаш керак.

Сўнгра докладчи 1957 йилда дон, картошка, сабзавот, пилла етиштиришнинг кўпайтирилиши кўзда тутилаётганлигини, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш соҳасидаги ишларни кенгайтириш мўлжалланаётганлигини билдиради.

Планда 1957 йилда 49,2 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш кўзда тутилади. Республиканинг сув ресурслари суғориладиган ерларни янада кенгайтириш пахта ва бошқа экинлар экишни кўпайтириш имкониятини беради. Бунинг учун партия ва ҳукумат кўплаб маблағ ва моддий-техника воситалари ажратмоқда. Лекин Сув хўжалиги министрлиги ва унинг қурилиш ташкилотлари ўзларига топширилган вазифаларни ҳали ҳам қониқарсиз бажармоқдалар. 1956 йилда пландаги 257 миллион сўмдан 65 миллион сўм фойдаланилмай қолиб кетди, шу билан бирга 40 минг гектар ўрнига фақат 21 минг гектар ирригация жиҳатидан тайёрланиб, улардан бир гектари ҳам қишлоқ хўжалик органларига топширилмади. Марказий Фарғонада, Эски Ангор каналида ва Чимқўрғон сув омбори қурилишида ишлар айниқса қониқарсиз олиб борилмоқда. «Фергана-водстрой» ва «Ўзбекгидрострой» трестлари ўз кучлари билан бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилишини барбод қилдилар.

Марказий Фарғонада сув хўжалик қурилишининг ёмон ташкил этилганлиги ва бу ишга Андижон, Наманган ва Фарғона область ижроия комитетлари томонидан етарли даражада эътибор берилмаслиги натижасида янги ерларни тайёрлаш ва ўзлаштиришнинг план топшириқлари йил сайин бажарилмай қолаётир.

Вазифа шундан иборатки, сув хўжалик қурилишини анча яхшилаш, ер қазиш ва қурилиш механизмларидан юқори унум билан фойдаланиш, ирригация қурилишларида меҳнат унумдорлигини ошириш, қам харажат қилган ҳолда, суғориладиган ерларнинг кенгайтирилишига эришиш керак.

1957 йилда Мирзачўлни ўзлаштириш учун кўп ишлар қилиниши керак. Жанубий Мирзачўл каналида, Киров номли каналда, Боёвут массивида машина билан суғориладиган зонада суғориш ишларини кенгайтириш соҳасидаги ишлар давом эттирилади, Марказий Мирзачўл коллектори ва Шўрўзак коллекторзовур тормоқларида, Сардобо ва бошқа массивларда қурилиш ишлари тугалланади.

Сўнгра Ўртоқ Мусаҳонов транспорт ва алоқа ишларини ривожлантириш масалаларига тўхталади. Масалан, ҳамма фойдаланадиган автомобиль транспортнинг юк оборотини 395 миллион тонна-километрдан 490 миллион тонна-километрга ёки 24 процент кўпайтириш мўлжалланди. Автобусларда пассажирлар ташиш ҳажми тахминан 40 процент ва таксомоторларда пассажир ташиш ҳажми 28 процент ошади.

Планда алоқанинг ҳамма хилларини янада ривожлантириш мўлжалланади.

Ўзбекистон ССР бўйича 1956 йилда ўзлаштирилган 2,4 миллиард сўмга нисбатан давлат капитал маблағининг ҳажми 3 миллиард сўм бўлиши кўзда тутилади. (Янги ягона баҳоларга айлантириб ҳисобланмаган).

Бу маблағ қуйидагича тақсимланади:

оғир саноат—1030 миллион сўм

кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилишига — 460 миллион сўм

қишлоқ хўжалигига — 630 миллион сўм

алоқа ва транспортга — 245 миллион сўм

социал-маданий тадбирларга — 635 миллион сўм.

Шундай қилиб, план социалистик экономикани ривожлантиришнинг асосий шарти қилиб оғир саноат тармоқларини кўпроқ ривожлантиришни кўзда тутади.

Меҳнаткашларнинг уй-жой шароитини яхшилаш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Давлат йўли билан ажратиладиган капитал маблағ ҳисобидан, шунингдек аҳолининг давлат кредитидан ёрдам учун оладиган маблағи билан умумий майдони 700 минг квадрат метрга яқин, ёки 1956 йилда фойдаланиш учун топширилганидан 57 процент ортиқ уй-жой қуриш ва ишга тушириш мўлжалланади. Бундан ташқари, колхозлар ва колхозчилар томонидан 25 мингта уй қурилади ва 750 минг квадрат метр уй-жой майдони ишга туширилади. Яна бундан ташқари, планда 1957 йилда янги мактаблар, медицина ва болалар муассасалари, клублар, ҳаммомлар қуриш кўзда тутилади. Биз ана шундай кўп миқдорда иморатлар қуриш ва капитал қурилишга катта маблағ сарфлаш билан бу маблағлардан самарали фойдаланилишини талаб қилишга ҳаққимиз бор. Шу билан бирга, бу соҳадаги ишларнинг аҳволини нормал деб айтиб бўлмайди. Иттифоқ-республика министрликлари капитал қурилиш соҳасида ўз ишларини йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секинлик билан қайта қурмоқдалар ва аввалгидек маблағнинг жуда кўп объектларга чочиб юборилишига йўл қўймоқдалар. Қурилишлардаги ишни ташкил этиш усули шу кунинг вазифаларига мувофиқ келмайди. Министрликлар томонидан қурилишларга етарлик даражада раҳбарлик қилинмаётир. Процессларни индустриалштириш ва комплекс механизациялаш, янги материалларни жорий қилиш масалалари секинлик билан ҳал этилмоқда. Техникадан ёмон фойдаланилаётир. Зарар кўриш ва иш сифатининг пастлиги қурилиш ташкилотларининг ишларидаги энг катта камчиликлардандир.

Министрликлар ва ташкилотларнинг эътиборини қурилиш экономикаси, ишнинг сифатини кескин даражада яхшилаш масалаларига қаратиби ва бу ишда қаттиқ давлат тартиби ўрнатиш керак.

Сўнгра докладчи халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий даражасини ошириш масалаларига муфассал тўхталди. 1957 йилда давлат ва кооператив савдосида чакана товар оборoти 17,5 миллиард сўм миқдорида, яъни 1956 йилдагидан 16,2 процент ортиқ қилиб белгиланмоқда. Бундан ташқари, матлубот кооперациясининг комиссион савдо оборoти 200 миллион сўмни ташкил этади.

Белгиланган товар оборoти ҳажмини қопламоқ учун марказлаштирилган бозор фондларини анча кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Масалан, сортли унлар фонди 21 процент, қанд — 19 процент, балиқ ва балиқ маҳсулотлари — 13 процент, шойи газламалар — 30 процент, кўн пойафзал — 39 процент, тикув машиналари — 19 процент, трикотаж буюмлар 59 процент кўпайтирилади.

Аҳолининг саноат ва озиқ-овқат товарларига ўсиб бораётган талабини тўлароқ қондириш мақсадида республикада ва ундан бошқа жойларда қўшимча товар ресурсларини қидириш юзасидан катта ишларни бажариш вазифаси туради.

Планда аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилашга катта аҳамият берилган. Коммунал электростанцияларнинг қувватини ошириш ва электр тормоқларининг узунлигини кўпайтириш, олтита область марказларида водопровод суви беришни кўпайтириш мўлжалланади. Самарқанд шаҳрида троллейбус юрабошлайди. Шаҳарларни ободонлаш ишларининг ҳажми 1956 йилдагига нисбатан икки баравар оширилади.

Планда Мирзачўлда маданий қурилиш ишларига алоҳида эътибор берилган. Бу эса партия ва ҳукуматнинг чақириғи билан қўриқ ерларни ўзлаштириш учун келган кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилинаётганлигини ифодалайди.

Докладчи сўзининг охирида айтадики, ўзбек халқи бутун совет халқлари сингари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг демократик централизмнинг ленинча принципини ва халқ хўжалигига раҳбарликда план асосини мустаҳкамлашга қаратилган қарорларини яқдиллиқ билан маъқуллаб кутиб олдилар.

Февраль Пленуми қарорларининг амалга оширилиши республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш учун янада кенг йўл очади, Ўзбекистон экономикасини янада юксалтириш ва халқ фаровонлигини яна ҳам ошириш учун ғоят катта резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш имкониятини беради.

Шубҳа йўқки, республика меҳнаткашлари 1957 йилда ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақият билан бажарадилар. Барча корхоналарда, қурилишларда, колхозларда, совхозларда ва машина-трактор станцияларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллиги шарафига социалистик мусобақанинг кенг авж олганлиги бунинг гаровидир.

Шундан кейин республика Молия министри депутат **М. Исомиддинов** «Ўзбекистон ССРнинг 1957 йилги Давлат бюджети тўғрисида» доклад қилди. (Докладнинг қисқача мазмуни ва доклад юзасидан бўлган музокаралар газетанинг келгуси сонида босилади).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НА